Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.), «Қизил байроқ» (1920—1923 й.), «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й.). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 39 (21. 158) 1992 йил 25 февраль, сешанба ● Баҳоси 60 тийин.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ҚИШЛОҚДА ҚЎШМА КОРХОНА

● Олтинкўл районининг Оқтепа қишлоғида Хитой Халқ Республикасидаги «Хей Хо» фирмаси билан ҳамкорликда қўшма корхона қуриладиган бўлди.

Андижон вилоят маҳаллий саноат бошқармаси билан «Хей Хо» фирмасининг вакиллари ўртасида тузилган шартномага кўра, қўшма корхонада мўйнадан 15 турдаги маҳсулот, жумладан пальто, пўстин, чарм камзул сингари маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Шуниси муҳимки, маҳаллий саноат бошқармаси бу қўшма корхонани ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш ҳисобига хом ашё билан таъминлайди. Шу мақсадда бошқарманинг районлардаги бўлинмалари томонидан қорамол-қўйчилик, қуёнчилик фермалари ташкил этила бошланди. Аҳоли томонидан сўйилган ҳайвонларнинг терисини қабул қилиб оладиган пунктлар ҳам қуриш кўзда тутилмоқда.

Хитойлик мутахассислар қўшма корхонани қисқа муддат ичида қуриб битказиш мажбуриятини олишди. Бу ерга асосан Хитойда тайёрланган асбоб-ускуналар ўрнатилади. Корхона ишга тушгач, унда 200 дан зиёд киши ишлайди.

ҚИРИНДИДАН МАҲСУЛОТ

● Андижондаги «Намуна» саноат-савдо бирлашмасида ёғоч қириндисидан безак плиталари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бирлашмага қарашли ёғочни қайта ишлаш корхонасида илгари қириндилар ахлат сифатида чиқариб ташланар ёки куйдириб юборилар эди. Энди у қайта ишланиб, бинокорлик учун бежирим плиталар ишлаб чиқарилянти. Бундай маҳсулотларга буюртмачилар кўпайиб бормоқда.

— Ёғоч қириндиларини олиб чиқиб ташлаш учун анчагина меҳнат ва харажат сарфланарди, — дейди бош муҳандис Расулжон Асроров. — Бугунга келиб эса чиқинди бизга даромад келтирянти. Плиталарни тайёрлаш аслида кўп харажат талаб қилмайди. Қириндини жипслайдиган дастгоҳ билан елим сотиб олинса кифоя. Ҳаттоки бу ишни хонадонларда ҳам йўлга қўйса бўлади.

Излаган имкон топар, деб шунга айтадилар. Саноат-савдо бирлашмасида қириндидан тайёрланган безак плиталарни сотишдан ҳозиргача 80 минг сўмга яқин даромад олинди. Ана шу ҳисобга иш ҳақини анчагина ошириш ҳам мумкин бўлди.

К. НИШОНОВ.
Андижон вилояти.

НАВРЎЗ — БАХТ - САОДАТ, ТИНЧЛИК ВА БИРДАМЛИК БАЙРАМИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАШАББУСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ

ЯРАТГАНГА ШУКРОНАЛАР АЙТАМИЗ

Инсон қалбига хурсандлик бахш этадиган баҳор нафаси сезилмоқда. Сурхон водийсининг кексалари бойчечакни қўлга олиб унинг жамолига хушнуд боқдилар. Набираларим варрак учирадиган шамол ҳам эсяпти. Офтоб нури далаю-даштларда деҳқон юмуши бошланаётганлигидан белги бермоқда. Бундай кунларга етганлигимдан яратганга шукроналар айтиб, саловат ўқиётирман.

Ана шундай пайтда Наврўз байрамини ўтказиш тараддуди бошланганлиги айни муддаодир. Жумҳуриятимизнинг кекса рўзномаси «Ўзбекистон овози» бу байрамни ўтказиш ҳақида белгилаган тадбирлар эълон қилиниши яхши жарчининг хайрли ишга бел боғлаганлиги аломатидир.

Саксон беш ёшга қадам қўйдим. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўп тотган инсонман. Занжирбанд этилган йилларимизда Наврўздек табаррук байрамни нишонлаш у ёқда турсин, ҳатто бу ҳақда гапириш ҳам тоғни қўпоришдек оғир юмуш эди. Ўзбекистон замини ва осмони узра янграётган чинакам мустақиллик туфайлигина эндиликда Наврўз байрамини жамулжам бўлиб, кенг далаларда, катта майдонларда умумхалқ шодиёнаси тарзида нишонлайдиган бўлдик.

Бу йилги Наврўз олдидан ҳамма жойда ҳашарлар уюштирилиб, кўп яхши ишлар амалга оширилишига ишонаман.

Наврўз байрами ҳаракати бошланаётган бир пайтда ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, омон-эсонлик, хонадонингизга файз-барака, юртимизга катта тўкинчилик насиб этсин.

Сулаймон АЗИМОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, нафақахўр.

ДИЛДА ҚУВОНЧ БИЛАН

Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитасининг навбатдаги мажлисида «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1992 йил Наврўз байрамини кенг нишонлаш юзасидан белгиланган тадбирларини ҳамда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг «Тошкент вилоятида Наврўз халқ байрамини ўтказиш тўғрисида»ги тадбирларини маъқуллади. Бу ташаббус республикамизда кенг ёйилмоқда. Бу ҳақда жойлардан қувончли хабарлар олинаётир.

Наврўз — бу янги йил, янги бахт, янги қувончлар куни бўлади. Айни пайтда жамоамизнинг Халқ демократик партияси аъзолари ҳам Наврўзни кенг нишонлашга ҳозирлик кўришяпти, ташкилий ишларда бош бўлишяпти. Наврўз куни биз бир қанча меҳр-мурувват ишларини амалга оширмоқчимиз. Далада меҳнат қилувчилар учун бепул овқатни таъминлаш мақсадида ҳар бир бригадага 6 тагача қўй, бир бошдан соғин сигир ажратишни режалаштиряпмиз. Шунингдек, ҳар бир бригаданинг дала шийпони олдида бир гектар ер озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун ажратилди. 40 кишига уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратдик. 53 гектар томорқа берилди.

Наврўз куни жамоамиз марказида катта сайил бўлади. «Бўлон наволари» ҳаваскорлик дастаси барчани ҳушнуд этади. Спорт мусобақалари ўтказиш режалаштирилмоқда. Наврўз куни эски анъаналаримиз тикланади. Янги мойжувоз ишга тушади. Тегирмон маҳсулот бера бошлайди. Шунинг дек, йилига 10 миллион дона хом ғишт чиқарадиган қурилма қуришга киришилди.

Юнусали ҚОСИМОВ,
Чортоқ районидаги Ғалабанинг 45 йиллиги номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, ХДП аъзоси.

ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Янги йил — муборак Наврўз яқинлашмоқда. Ҳозир ҳар бир хонадон, қишлоқ, район ва вилоятларда ана шу кунга пухта тайёргарлик кўриляпти. Арафада Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитаси «Ўзбекистон овози» рўзномасининг 1992 йил Наврўз байрамини кенг нишонлаш юзасидан белгилаган тадбирларини ҳамда Тошкент вилоят партия кенгашининг Тошкент вилоятида Наврўз халқ байрамини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини маъқуллаганини ўқиб-эшитиб ҳамкасб сифатида қувондик. Зеро улуғ айёмга ҳозирлик кўриш ва ўтказиш тадоригидан четда қоладиган биронта инсон, меҳнат жамоаси бўлмаслиги зарур.

Рўзномамиз жамоаси ҳам шу йўналишда ўзи ва вилоят партия кенгаши билан бирга амалга оширадиган тадбирларни белгилаб чиқди ва уни бажаришга киришди. Куни-кеча рўзномамиз саҳифасида «Ойнинг ўн беши ёруғ» сарлавҳали мақола билан бирга бир даста шеърлар ҳам босилди. Ушбу шеърларнинг муаллифи Комсомол районидаги «Ленинград» давлат хўжалигида истиқомат қилаётган ногирон Шукрулло Матвалиевдир. Рўзнома жамоаси Наврўз муносабати билан ушбу истеъдодли шоирни ўз оталиғига олди ва меҳр-мурувват фондидан минг сўмни унинг ҳисобига ўтказди. Рўзномамиз бу йигитни бир умр ўз оталиғига олади.

Жамоамиз вилоятда ана шундай истеъдодли, аммо ногирон 22 нафар киши борлигини аниқлади. Биз улар ҳақида рўзнома саҳифаларида мақолалар бериб, корхона ва ташкилотлар оталиғини таъминлашга эришяпмиз.

ХДП вилоят кенгаши қошида ташкил этилган меҳр-мурувват комиссияси байрам арафасида айниқса ўз фаолиятини кучайтириб юборди. Жамоамиз комиссия ишида фаол иштирок этяпти. Етим-есирларга, ёрдамга муҳтож ёлғиз кишиларга, нафақахўрларга, камхарж оилаларга ёрдам учун пул тўплаш давом этмоқда. Масалан, ХДП вилоят кенгаши ходимлари яқинда бир ойлик маошларини меҳр-мурувват фондига ўтказдилар. Гулистон шаҳар озиқ-овқат савдоси ходимлари эса уч минг сўм, Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси 5 минг сўм ўтказди. Ҳозирнинг ўзида шаҳар меҳр-мурувват фондида 20 минг сўмдан кўпроқ маблағ тўпланди. Улар Наврўз арафасида муҳтож кишиларга, болалар уйларига ва бошқа камхаржли оилаларга бўлиб берилади.

Яна бир савобли иш ҳақида алоҳида тўхталмоқчиман. Вилоят электр тармоқлари корхонаси 27-етим болалар интернати электр таъминотини тикинга яхшилаб берди. Гулистон районлараро савдо базаси эса шу етимхонага «ГАЗ—66» маркали автомашинанинг 100 минг сўм ҳақини тўлади ва бу машина интернатга совға қилинди.

Рўзномамиз жамоаси байрам арафасида кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, уй-жой ва ҳовлиларни таъмирлаш, кўча-кўйлар, майдон ва ҳиёбонлар озодалигини сақлаш каби умумҳашар ишларида ҳам фаол қатнашишни режалаштирган. Байрамга тайёргарлик рўзномаминг ҳар бир сонида кенг ёритиб борилмоқда. Биз муборак Янги йилимизни рисоладагидек ўтказиш ишига албатта ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Ж. УМАРҚУЛОВ,
«Сирдарё ҳақиқати» рўзномасининг бош муҳаррири.

Ўзбекистон Республикаси— Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИҲТ)нинг тенг ҳуқуқли аъзоси

1992 йил 16-17 февралда Эрон Ислом Республикасининг пойтахти — Теҳрон шаҳрида Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти (ИҲТ)га аъзо мамлакатлар раҳбарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Ташкилотга 1985 йилда Эрон, Туркия ва Покистон томонидан асос солинган.

Кенгаш ишида биринчи марта Озарбайжон, Туркманистон, Ўзбекистон делегациялари ана шу ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзолари сифатида қатнашди. Кенгашда Тожикистон билан Қирғизистон ҳам бу ташкилотга қабул қилинди. Қозоғистон делегацияси кузатувчи сифатида ҳозир бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши Раиси Ш. М. Йўлдошев бошчилигидаги делегацияси таркибида қишлоқ хўжалиги вазири М. И. Исломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши комитетининг раиси Э. Н. Хўжаев, Олий Кенгаш котибиятининг бошлиғи О. Ҳ. Олимжонов ва иқтисод комитети раисининг ўринбосари Э. Т. Тожиев бор эдилар.

Кенгашда ана шу халқаро ташкилотга аъзо мамлакатларнинг ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон делегациясининг бошлиғи Ш. М. Йўлдошев Эрон Ислом Республикасининг Президенти Али Акбар Хошимий-Рафсанжоний ва Туркия Республикасининг Президенти Турғут Ўзол билан учрашди. Дўстона суҳбатларда Ўзбекистон Республикасининг ана шу мамлакатлар билан икки томонлама муносабатларини янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Эрон Ислом Республикаси мажлисининг раиси Хожатулло Маҳдий Кярруби ҳузуридаги қабул маросимида икки мамлакат парламенти аъзолари иштирокида парламентлараро алоқаларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши комитетлари ва комиссиялари билан Эрон Ислом Республикаси мажлиси ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш имкониятлари ҳақида батафсил фикр алмашилди.

Делегациямиз аъзолари иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига кирган мамлакатларнинг бир қанча вазирликлари ва идоралари раҳбарлари ҳамда амалий доиралар вакиллари билан учрашдилар. Улар билан ИҲТ аъзолари бўлган мамлакатлар кенгашида эришилган аҳдлашувларни амалга ошириш юзасидан қайси йўналишларда ҳамкорлик қилишлари мумкинлиги умуман гаплашиб олинди.

Теҳронда бўлган вақтида Ш. М. Йўлдошев БМТ Бош котибининг шахсий вакили Бенон Севан билан ҳам суҳбатлашди.

Учрашувлар яхши ният, бир-бирларини тушуниш ҳамда томонларнинг ўзаро манфаатли, тенг ҳуқуқли савдо ва иқтисодий алоқаларни тезроқ йўлга қўйишга самимий интилиш руҳида ўтди.

НОТАЛАР АЙИРБОШЛАНДИ

Исроил Республикасининг ҳукумат делегацияси Тошкентга келди. Делегацияга Исроил давлатининг Москвадаги фавқулодда ва мухтор элчиси Арье Левин бошчилик қилмоқда.

Делегация аъзоларини Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У. Абдуразоқов қабул қилди ва Ўзбекистоннинг жаҳон давлатлари ўртасидаги ижтимоий-сиёсий ўрни ва уни 100 дан ортиқ давлат тан олганлиги ҳақида сўзлаб берди.

— Биз Ўзбекистон билан, шунингдек ҳамдўстликдаги бошқа мустақил давлатлар билан ўзаро ҳамкорлик қилишга тайёрмиз, — деди Арье Левин суҳбат чоғида. — Сизнинг республикангиз билан бу ҳамкорлик аслида анча илгари ўрнатилган яхши қўшничилик муносабатларимизнинг давоми бўлади.

Ўзбекистон Республикаси билан Исроил давлати ўртасида дипломатия муносабатларини ўрнатиш юзасидан ноталар айирбошланди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

УРТОҚ Ў. Т. СУЛТОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўртоқ Ўткур Тўхтамуродович Султонов Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1992 йил 22 февраль.

ҲОКИМЛАР ТАСДИҚЛАНДИЛАР

ТЕРМИЗ, 24 февраль. (ЎзА). Халқ нойблари Сурхондарё районидаги бугун бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида вилоят маъмурияти бошлиғи тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига мувофиқ нойблар Ҳ. Э. Бердиевни Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар, у халқ нойблари вилоят Кенгашининг раиси лавозимида ишлар эди.

Ҳаким Эшбоевич Бердиев 1938 йилда Шеробод районида туғилди. 1960 йилда Тошкент политехника илмгоҳини битирганидан кейин Шеробод районидаги «Партия XXII съезди» колхозида, Ленин номли колхозда, Ўзсельхозтехника ноҳия бирлашмасида бош муҳандис бўлиб ишлади. Сўнгра партия ва совет ишида бўлди. Ўзбекистон Республикаси халқ нойби.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Сессия ишида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умрзоқов қатнашдилар.

* * *

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ташкилий масала кўриб чиқилди: вилоят ҳокими тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан депутатлар халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси П. М. Абдураҳмоновни Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тасдиқладилар.

Пўлат Мажидович 1940 йилда Самарқандда туғилган. 1964 йилда Харьков автомобиль-йўл олий билимгоҳини, 1973 йилда КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясини битирган. Иқтисод фанлари номзоди, Меҳнат фаолиятини Ҳазорасп районидаги пахта тозалаш заводида электр монтёр бўлиб ишлашдан бошлаган. Олий билимгоҳни битиргач, Самарқанд вилоят автомобиль трестида катта муҳандис бўлиб ишлаган. Муддатли армия хизматини ўтаб келганидан кейин Самарқанд вилоятининг автомобиль хўжаликларида ва автомобиль тузатиш корхоналарида ўз ихтисоси бўйича ишлаган. Кейинчалик партия ва совет ишига ўтди, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари бўлди. Ўзбекистон Республикасининг халқ нойби.

Сессияда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

(ЎзА).

● «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЁРДАМ ЖАМҒАРМАСИГА ●

ИНСОНГА ҒАМХЎРЛИК— ЖАМИЯТГА ҒАМХЎРЛИК

Тошкент вилоятидаги Келес жунни дастлабки ишлаш фабрикаси жамоасининг ибрати

Тўғриси, фабриканинг иқтисодий юксалишлари ҳақида гапириб ўтирмоқчи эмасмиз. Бозор муносабатларига ўтиш даврида аввало ишчиларга яратилган енгилликлар, уларнинг ижтимоий ҳимояси устида тўхталамиз. Касаба уюшмаси қўмитаси раиси Муҳиддин Зуҳриддинович Зайнутдинов кейинги ойларда қилинган ишларни гапириб берди.

Замона зайли, айрим калтабин шахсларнинг тазйиқида Аббос Сайдуллаев маълум муддат қадрдон жамоасидан четлаштирилган эди. Яқинда ҳақиқат қарор топиб у яна фабрика раҳбарлигига қайтди. Ўзини илиқ кутиб олган севимли жамоасини бутун сақлаб қолиш учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасини қилмоқда. Ишчиларнинг меҳнатига 1300 сўмдан 1800 сўмгача маош тўланмоқда. Ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ҳар бир ишчига овқат учун 200 сўмдан, йўлкира учун 40 сўмдан қўшимча пул берилянти.

Эркин нархлар жорий қилиниши муносабати билан маиший хизмат ҳақи ҳам бир неча баробар ортиб кетгани маълум. Фабрикада ишловчиларнинг аксарияти аёллар. Уларнинг гигиенаси, қўл-юзини парваришлаши, қўйингки, пардоз-андози ҳам муаммо бўлиб қолмаслиги учун алоҳида маблағ ажратилди. Ҳар бир аёл ишчига шу мақсадда 60 сўмдан пул берилаётгани ҳаммани хушнуд қилмоқда.

Фабрика раҳбарияти ҳозирги мушкулликларни олдиндан ҳис этиб ўтган йил охиридаёқ ишчиларни ижтимоий ҳимоялашни бошлаб юборган эди. Ҳар бир ишчига беш килодан гуруч ва ун, тўрт килодан гўшт бепул тарқатилди. Одамлар талонга оладиганидан ташқари фабрика ташаббуси билан зиғир ёғи, тухум, пишлоқ ва меваларни ўз нархида сотиб оладилар. Узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан қариялар ҳам эсдан чиқарилмади. Уларга ҳам байрамларда озиқ-овқат маҳсулотлари бепул улашиб чиқилмоқда. Булардан ташқари, жамоа билан бирга шу атроф маҳаллалардаги кексаларни йиғиб, турли саналарни нишонлаш чоғида катта ош бернлади. 11-мактаб ўқитувчиларига ҳам камтарона ёрдам — 250 сўмдан пул ажратилди. Фабрикага қарашли болалар боғчаси меҳнат жамоасининг доимий диққат-эътиборида.

— «Ўзбекистон овози» рўзномасида Наврўзни муносиб кутиб олиш тўғрисида эълон қилинган мурожаат ҳар биримизнинг қалбимизга етиб борди, — дейди фабрика директори Аббос Рихсиевич. — Биз ҳам халқимизнинг бу қутлуғ байрамига ҳар томонлама тараддудни бошлаб юбордик. Ободончилик ишларидан ташқари қариялар ва беморларни йўқлаш учун моддий маблағ ажратилади. Бу борада Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фабрикадаги бошланғич ташкилоти билан бамаслаҳат тадбирлар тузиб қўйдик. Умумий қозонда суманак пиширишдан ташқари меҳнат жамоаси ва маҳалла вакиллари иштирокида ўтказиладиган тантанада 60 кило гуручдан ош дамлаб дастурхонга тортамиз. Кўпдан-кўп хайрли тадбирларни ўтказишни мўлжаллаб турибмиз. Биз бу ерда севимли рўзномамиз бўлган «Ўзбекистон овози»га ёрдам жамғармаси учун 100 минг сўм пул ажратдик. Зеро инсон нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан ҳам қаноатланиши лозим. Бу соҳада рўзноманинг хизматини алоҳида қадрлаймиз.

А. АБДУВАННОПОВ.

Суратда: Келес жунни дастлабки ишлаш фабрикаси жамоасининг вакиллари.
Суратни В. МОЛГАЧЕВ олган.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

ГОРБАЧЕВНИНГ НИЯТИ

● М. С. Горбачев шу йил май ойида АҚШга бормоқчи ва Рональд Рейган билан учрашмоқчи.

Михаил Сергеевич Америка Қўшма Штатларига сафари чоғида Рейган кутубхонасига ташриф буюради. Эҳтимол, у Рейганнинг Санта Барбара атрофидаги ҳовлисида ҳам бўлади. Шундан сўнг у Американинг бошқа шаҳарларини ҳам томоша қилиш ниятидадир.

БУГУНДАН БОШЛАБ

● Совет қўшинларини Литвадан олиб чиқиш 25 февралдан бошланади.

Шимоли-Ғарбий қўшинлар гуруҳининг қўмондони, генерал-полковник Валерий Миронов Литва Республикаси ўлкани муҳофаза қилиш вазири Аудрюс Буткявичюсга шу ҳақда маълум қилди.

НОМ ЎЗГАРДИ

● Қалмиғистон Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси ўз ишини тугаллади. У республика номини ўзгартиришга қарор қилди. Бундан буён жумҳурият Қалмыкия-Хальмг Тангч Республикаси деб аталади.

Сессия, шунингдек, Россия федерацияси Конституцияси лойиҳасини ҳамда давлат ҳокимияти федерал органлари билан республика, ўлкалар, вилоятлар, округлар ҳокимияти органлари ваколатларини ажратиш тўғрисидаги битим лойиҳасини кўриб чиқди.

(Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида тайёрланди).

• Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг IV пленуми олдидан

ПАРЛАМЕНТ ТИПИДАГИ ПАРТИЯ

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ КОТИБИ А. Х. САИДОВ МУХБИРИМИЗ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

Акмал Холматович Саидов 1958 йилда туғилган. Миллати —ўзбек. Маълумоти — олий. 1981 йилда ҳуқуқшунос ихтисослиги бўйича Тошкент давлат дорилфунунини тугаллаган. Москва шаҳридаги Давлат ва ҳуқуқ олийгоҳи аспирантурасида ўқиган, Ўзбекистон Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ билимгоҳида катта илмий ходим, Фанлар академияси президиумининг фалсафа, иқтисод ва юридик бўлимида илмий котиб, давлат ҳуқуқи секторининг мудири вазифаларида ишлайди. 1991 йилдан ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ билимгоҳининг директори. Ўзбекистон ХДП аъзоси. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши уни ХДП Марказий Кенгашининг котиби ва Сиёсий Ижроия Қўмитаси аъзоси этиб сайлади.

— Акмал Холматович айтингчи. Сиз Марказий Кенгаш котиби сифатида қайси соҳаларга раҳбарлик қиласиз. Партиянинг таъсис қурултойидан кейин ўтган даврда қандай ишлар амалга оширилди?

— Мен партиянинг парламент фаолияти ва партиялараро алоқа соҳасида амалга оширилиши керак бўлган ишларга раҳбарлик қиламан. Партиянинг таъсис қурултойи бўлиб ўтгандан бери тўртинчи ой кетяпти. Ушбу давр оралиғида бир қанча ишларни амалга оширдик. Шулардан энг асосийлари қуйидагилар:

— Таъсис қурултойида партия Дастурига оид таклиф ва ўзгартиришлар кўриб чиқилди. Ва у рўзнома да эълон қилинди;

— қарашлари ва моҳияти Халқ демократик партиясига яқин бир қанча сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, Ешлар иттифоқи билан алоқалар ўрнатдик. Улар хорижий ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида фаолият кўрсатаётган партиялардир.

Маълумки ЎзХДП парламент типидаги партиядир. У илгаригидек тўғридан-тўғри давлат ҳокимияти вазифаларини ўз бўйнига ололмайди. Янгича ишлаши зарур. У парламент фаолиятини амалга ошириши учун керак бўлган бир қанча ҳужжатлар тайёрладик, амалий ишларни бажардик. Уларнинг қисқача баёнлари матбуотда эълон қилинди. Бунга тўхталиб ўтирмайман. Яқинда бўлиб ўтган ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитасида Олий Кенгашга айтиладиган қонунчиликка оид таклифлари қабул қилинди.

— Партия қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгами?

— Йўқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига биноан сиёсий партиялар қонун ташаббускорлик ҳуқуқига эга эмас.

— Унда қандай қилиб қонунчиликка оид таклифларни амалга оширмоқчисизлар?

— Бу Ўзбекистон ХДП аъзолари бўлган Ўзбекистон Республикаси халқ ноиблари орқали ва улар ёрдамида амалга оширилади. Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашида ХДП аъзолари бўлган ноиблар партия гуруҳи тузилган. Жойларда ноибларнинг қабули ташкил қилинаётир. Улар билан доимий мулоқот ва бамаслаҳат ишлашга ўтганмиз. Республика ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроқўмида қабул қилинган қонунчиликка оид таклифларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Халқ ноиблари самарқандлик А. Муҳаммадқулов, хоразмлик Ж. Йўлдошева, З. Ибрагимов, наманганлик М. Каримов, андижонлик Т. Ражабов ва бошқаларнинг фикрлари ҳисобга олинди. Шунингдек ушбу таклифлар ХДП Дастури ва партия Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг чиқишлари, маърузаларидаги қоидаларга асосланди.

— Олий Кенгашда ўнлаб қонунлар қабул қилинди. Бироқ бу қонунларнинг кўпчилиги ишлаётгани йўқ. Шу ўринда бир савол туғилади. Уларни ҳаракатга келтирмай туриб бошқа қонунларни қабул қилиш нега керак?

— Тўғри гап. Лекин, ўзгаришлар тўхтатиб бўлмайдиган жараёнларда содир бўлаётир. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик асосида мустақил давлат эканлигини, БМТ Низоми, бозор иқтисодиёти асосида иш юритиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида халқаро ҳужжатларни тан олишини изҳор қилди. Ва улар асосида амалий ишларни бажаришга тушди. Ўзбекистон мустақиллигини юздан ортиқ давлат тан олди. Олий Кенгашда республикада иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда чуқур ислоҳотлар ўтказиш учун имкон берадиган қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Олий Кенгаши XII чақириқ I—IX сессияси давомида 61 қонун, юзлаб қарорлар, бир қанча баёнот ва ратификацияга оид ҳужжатлар амалга оширилди. Бироқ, амалий ўзгаришлар жуда ҳам кечикаётир. Иқтисодиёт инқироздан чиқа олгани йўқ. Хорижлик сармоядорларнинг келишига тўсиқлар кўп. Ўзбекистон Республикаси — янги халқаро субъект сифатида миллий давлат хавфсизлиги масалалари ҳал бўлган эмас. Ўзбекистоннинг геосиёсий мақсадларига аниқлик киритиш лозим. Айниқса, қабул қилинган қонунлар тизимида қарама-қаршиликлар бор, улар ўзбекларга хос хусусиятларни ҳисобга олмасдан яратиляпти ва бунинг натижасида уларнинг моҳияти кўпчилик фуқароларга, ишбилармонларга етиб бормаётир. Қонунлар яхлит, мукаммал характерга эга эмас. Мувозанат бузилган, баъзи бир қонунлар етишмайди. Анчагина қонунлар аниқ ҳаётни ҳисобга олмаган. Москва нусхаси. Бунақанги қонуншунослик бутунлай тўхталиши керак. Қонунлар халқимиздаги демократик анъаналарни ҳисобга олиб тузилсагина яшаши мумкин. Шу боис, юқорида қайд қилинганидек, Ўзбекистон давлат мустақиллиги ва давлат қурилиши, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя, инсон ҳуқуқлари, маданий-маънавий мерос ва иқтисодиёт соҳасида муҳим бўлган бир қанча қонунчиликка оид таклифлар ишлаб чиқилди.

— Ушбу қонун таклифларининг муҳимлари устида тўхталсангиз.

— Биз 50 дан ортиқ қонун таклифи билан чиқдик. Шулардан энг муҳимлари: «Аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш», «Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти ва нафақалар», «Оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлардир.

Шунингдек, давлат мустақиллиги ва давлат қурилишига оид таклифлар ҳам муҳимдир. Негаки, Ўзбекистонда ҳозирги замон амалиёти асосида иш юритувчи изчил ва демократик миллий давлат тизилмалари шаклланмаган, уларни ифодаловчи Конституция йўқ. Янги Асосий қонун ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия ва суд идоралари ваколатларининг мақоми, гизилмалари ва вазифаларини аниқ белгилаши зарур. Улар учун Олий ҳокимият қонун бўлмоғи керак. Ўзбекистон Олий Кенгашига қуйидаги қонун-қоидалар лойиҳалари киритилиши таклиф этилади:

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Вазирлар Маҳкамасининг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонун.

— Ўзбекистон Республикаси Давлат комитетлари тўғрисидаги қонун.

— Ўзбекистон Республикаси вазирликлари тўғрисидаги қонун.

— Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳақидаги қонун.

— Ўзбекистон Республикасида суд тузилиши мақоми тўғрисидаги қонун.

— Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги, милиция, прокуратура тўғрисидаги қонун.

— Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномаларини тузиш, ижро этиш ва тўхтатиш ҳақидаги қонун.

— Ўзбекистон Республикаси Давлат Мудофааси ва Қуролли Кучлари тўғрисидаги қонун.

— Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги тўғрисидаги қонун.

— Ўзбекистон Давлат чегараси тўғрисидаги қонун.

— Ўзбекистон Республикаси Божхоналар тўғрисидаги қонун ва ҳоказолар.

— Инсон ҳуқуқлари масаласи ҳам ҳозир долзарб муаммолардан биридир. Марказий матбуотда Ўзбекистонда шахс эркинлиги таҳқиланаётир, деган гапларни тез-тез учратиш мумкин.

— Марказнинг асл мақсади бошқа. Санаб кўрайлик. Сиёсий маҳбуслар қаерда кўп. Россиядами ёки энг демократик Ғарб давлатларидами ёхуд Ўзбекистондами? Бизни бу соҳада ҳеч ким уялтиролмайди. Сиёсий маҳбуслар бизда йўқ. Уларда эса етарли. Лекин, Ўзбекистондаги қонунлар ҳам Умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳуқуқ мезонлари билан мувофиқлаштирилиши керак. Шу билан бирга, халқимизда шаклланган демократик анъаналардан воз кечмаслик зарур. Шахс эркинлигининг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш лозим. Айни кунда қўйидаги қонунларни қабул қилиш муҳимдир:

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги қонун.

— Фуқароларнинг Ўзбекистонга келиши ва ундан кетиши ҳақидаги қонун.

— Ўзбекистон Республикаси миллий гуруҳлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун.

— Хорижий ватандошларнинг фуқаролик ҳуқуқларини қайта тиклаш ҳақидаги қонун.

— Ҳажга борувчиларга давлат ёрдами тўғрисидаги қонун ва бошқалар.

— ХДПга муҳолиф партиялар, халқ ҳаракати рўзномаларида собиқ КПССга, унинг меросхўрига нисбатан ҳақоратомуз мақолалар чоп этиляпти. Сизлар эса жим ўтирибсиз. Бу нимадан, қўрқоқликданми ёки бошқа сабаблари борми?

— Йўқ. Қўрқоқликдан эмас. Бировнинг боғига тош отиш билан ҳеч ким ҳеч қачон обрў топмаган. Бундан кейин ҳам шундай бўлади. ХДП КПССдан моҳиятан бутунлай бошқа партия эканлигини айтганмиз, Дастурда қайд этганмиз. Лекин, буни кўпчилик қабул қилолмаяпти. Тушунишни хоҳлашмаяпти.

— Кечирасиз-у, бу ҳолни тушунтириш етарли эмас, деб ўйлайман.

— Балки шундайдир. Бироқ ХДП парламент типидаги партия. У ўз мақсади, вазифаларини давлат идораларида сайланган аъзолари, депутатлар орқали ўтказишини доимо айтганмиз. Шунингдек, КПССнинг асосий шиори хусусий мулкчиликка барҳам бериш дейилган. ХДП эса хусусий мулкчиликни қўлланиш соҳаларини кенгайтириш тарафдори. Бундан ташқари ХДП халқимизнинг демократик анъаналарига таянадиган партия. Шу боисдан у дин аҳллари учун ҳам очиқдир. КПССда ҳеч шундай бўлганми? Йўқ, Бўлган эмас. Шундай экан нега бировлар буни тушунишмайди? Улар ХДП Дастури, амалий ишларини ўрганмаганлар. Шунинг учун у тўғрида таваккал бўҳтон гаплар кўп. Биз, халқимизнинг маданий мероси шундай буюк кучки, унга таянган ҳолдагина маънавий поклашишимиз ва ўзлигимизни танишимиз мумкин, деган хулосадан келиб чиқиб сиёсат юргизмоқчимиз. Ушбу муаммони қанчалик тез ҳал қилсак, миллий истиқлолнинг муҳим шундай бир истеҳкомини яратамизки, уни ғанимлар қайтиб ололмаслар. Башарият маънавиятининг ривожланишига катта ҳисса қўшган буюк боболаримизнинг давлат қурилиши, ҳуқуқ, ахлоқ ва одоб, иқтисодий қарашлари бизга учун ҳали очилмаган қўриқдир.

Миллий маънавият салтанатини тикламоқ ва уни Ўзбекистонни бозор иқтисодиёти ва нарх-навонинг ўсиши инқироздан олиб чиқади, деган фикрлар ҳам унчалик тўғри эмас. Шунинг учун Олий Кенгаш даражасида «Миллий иқтисодиёт асосий йўналишларининг ҳуқуқий асослари» қонуни қабул қилиниши керак. Иқтисодиётга оид барча қонунлар ана шу мақсадни амалга оширишга қаратилмоғи лозим. Шунинг учун ҳозирги иқтисодиётга оид ўнлаб қонунлар ўрнига битта, ихчам «Иқтисодий ҳаёт» кодексини яратиш керак. Токи у ҳамма учун бир хил ва тушунарли бўлсин.

Олий Кенгашда давлат, вилоят, район, шаҳар, маҳаллий мулк доираларини бўлиб қўядиган қонун қабул қилиш заруриятдир. Чунки мулк ва уни хусусийлаштириш муаммоси ҳал қилинмас экан, бозор иқтисодиёти тўғрисида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳозирда давлат мулки халқ хўжалигида — 88,7 фоиздан, саноатда — 98,6 фоиздан, қишлоқ хўжалигида — 80 фоиздан иборат. Яъни бозорга фақат давлат ишхоналари чиқади ва якка ҳукмрон бўлиб оладилар. Агар, аҳвол шундай бўлиб қолаверса, янгидан пайдо бўлаётган биржалар ва давлат манфаати ўртасида қарама-қаршилик келиб чиқади. Бу эса турли хил иқтисодий тажовузкорликка олиб келиши ҳамда ижтимоий портлашларга сабаб бўлиши мумкин. Шу боисдан, «Ишлаб чиқаришдаги яккаҳокимлик ва рақобат» тўғрисида қонун ҳам тезда ишлаб чиқилиши керак.

Маълумки, Ўзбекистон шароитида деҳқон хўжалиги, чорвачилик муҳим аҳамиятга эга. Миллий даромад, ялпи ижтимоий маҳсулотда қишлоқ хўжалиги улуши 25 фоиз атрофида. Қайта ишлаш саноатини қўшиб ҳисоблаганда бу рақам ундан ҳам ортади. Кўпчилик бозор иқтисодиётига ўтган мамлакатлар тажрибасидан шу нарса маълумки, иш аввало қишлоқ хўжалик соҳасидан бошланган ва тезда ўз натижасини берган. Ўзбекистонда ҳам шундай шароит бор. Бироқ, ушбу соҳадаги қонунлар мажмуаси ҳамон етарли эмас. Янги мулкий шакллар ва хўжайинликни кучайтирувчи, манфаатдорликни оширувчи омиллар тўлиқ ишга тушган эмас. Колхоз ва совхоз қурилишига қарши хуружлар бўлиб турибди. Амалдаги колхоз ёки совхозларни ҳиссадорлар ширкати шаклида деҳқон хўжалиги, фермерчилик, якка деҳқон уюшмаларига айлантириш имкони бор. Бу фақат қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмай, уни халқ хўжалигининг турли тармоқларида жорий қилиш мумкин. Шу йўл билан ҳозирги шаклланган хўжалик тизимини янги замонавий босқичга олиб чиқиш мумкин. Шу сабаб Олий Кенгашда «Ҳиссадорлар ширкати» тўғрисида қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Бозор инфраструктурасининг асосий элементларидан бири пул ва қимматли қоғозлар, банк, кредит тизилмаларидир. Ўзбекистонда «Пул ва қимматли қоғозлар» тўғрисидаги қонун зарурдир.

— Акмал Холматович, ушбу қонунлар ишламаса, агар Ўзбекистон жиноят кодексида ўзгаришлар бўлмаса, иқтисодиётда ўзгариш бўлмаслиги мумкин.

— Тўғри гап. Ушбу соҳада бизнинг таклифимиз қуйидагича: Ўзбекистон Республикаси жиноят, меҳнат ва фуқаролик кодексининг янги таҳрири зарур. Ҳозирги шароитга мос келмайдиган қоидаларни олиб ташлаш керак. Шу билан бирга чайқовчиликка қарши қаттиқ кураш имконини берувчи, олиб-сотар ширкат фаолиятини тартибга солувчи Президент Фармони лозим. Бундан ташқари Савдо кодекси ҳам жуда зарур. «Ўзбекистон Республикасида жиноят кодекси»да ўғриликни қаттиқ жазолаш қоидалари керак. Бундай таклиф деярли ҳар иккинчи халқ ноибининг таклифидир. Республикада сўнгги беш йил давомида ўғирлик сони салкам икки баравар ортди. Талончилик, зўрлаш ҳоллари 1,5 — 1,7 марта кўпайди. Ҳуқуқ-тартибот, милиция, прокуратура органлари, мафия ва ўғрилар билан якдиллик ҳодисалари тез-тез учраётир. Ушбу орган фаолиятини баҳолаш мезонлари эскирган ва унда ишловчиларнинг жиноятни очиши моддий ва маънавий манфаатдорлик билан узвий боғланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг порахўрликка, айниқса, Олий таълим муассасаларидаги порахўрликка қарши фармонини зудлик билан ишлаб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистонда тергов, прокуратура, суд органларининг масъулиятсизлиги, саводсизлиги, ёки атайлаб нотўғри чиқарган ҳукмларига нисбатан жавобгарликни кучайтирувчи ҳамда айбсиз жабрланганларни илгариги ҳуқуқ ва иш жойларига тиклаш ва шунга оид муаммоларни қамраб олувчи, шунингдек, ҳакамлар мақоми тўғрисида ҳам қонунлар зарур.

Жиноий ишларни кўриш, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизматини моҳиятан янгилаш, ҳар бир фуқарога суд орқали ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини яратиш керак. Адлия ишлари вазирлиги фаолияти, вазифалари ҳам қайта кўрилиши шарт.

Якунда шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, санаб ўтилган янги қонунларни бир йилда бирданига ишлаб чиқиб, қабул қилиб бўлмайди, албатта. Бу партиямизнинг яқин йилларга мўлжалланган қонунчиликка оид иш дастуридир. Шу муносабат билан биз бу борада республикамиздаги барча сиёсий партиялар, халқ ҳаракатлари ва жонкуяр фуқаролари билан амалий ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

— Мазмунли ва қизиқарли суҳбатингиз учун гоят миннатдормиз. Раҳмат Сизга.

• ХДП янги нашри

«ХАЛҚ ИРОДАСИ»

«Давр руҳи халқ иродаси ила ўзгаради»— Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят Кенгашининг янги ижтимоий-сиёсий рўзномаси — «Халқ иродаси» ана шундай сўзлар билан бошланади. Шундай қилиб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий рўзномалари учтага етди.

Рўзнома «Ўзбекистон — инсон камолоти каъбаси, даргоҳидир!» — республикамиз Президенти, ХДП Раиси Ислом Каримовнинг ана шу сўзлари рўзноманинг биринчи саҳифасини безаб турибди. Шунингдек, янги рўзноманинг биринчи саҳифасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилоят Кенгашининг биринчи котиби Б. Аҳадовнинг «Дадил ҳаракатлар даври» сарлавҳаси остидаги мақоласи берилган. Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вилоят бошқарувининг масъул котиби Ш. Холмирзаев рўзноманинг чинакам халқ иродаси минбари бўлиб қолишига тилак билдиради.

Рўзнома ўз муштарийларига мурожаатида ўзининг асосий мақсадини ошкор этади: Рўзнома янги партиянинг амалий ишларини ёритиб боради, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш кўламини кенгайтириш учун курашади. Олдинда турган муҳим вазифаларни амалга оширишда вилоят фирқа ташкилотига мададкор бўлади. У Сиз, ҳурматли муштарийларнинг чинакам минбарига айланади.

Рўзноманинг иккинчи ва учинчи саҳифаларида ҳам Халқ демократик партиясининг фаолиятига доир «Партия турмуши», «Бошланғич партия ташкилоти котиби сўз сўрайди», «ХДП вилоят кенгашига келган саволларга жавоб берамиз», «Саҳийлик—инсоний фазилат», «Муаммо, мулоҳаза, таклиф» каби қатор рубрикалар остида бир-биридан ўқимишли, қизиқарли мақолалар берилган.

Одатдагидек, рўзноманинг тўртинчи саҳифасида муштарийлар қизиқарли мавзуларда мақолалар ўқишлари мумкин.

Биз Ўзбекистон Халқ демократик партияси Наманган вилояти кенгашининг янги ижтимоий-сиёсий рўзномаси — «Халқ иродаси»га партиянинг чинакам мададкори, халқ ишига камарбаста бўлиб қолишига тилакдошмиз.

Т. ТОШЕВ.

«НАВҚИРОН БУХОРО»

● Вилоят марказида нашр этилишига киришилган янги илмий-бадиий журнал шундай деб аталади. Унинг муассислари шаҳардаги олий ўқув юртларидир.

20-йилларда Бухорода 8 та турли номдаги журналлар нашр этилар эди. Матбуот тўғрисидаги қонун эндликда бу анъанани давом эттиришга имкон бермоқда.

Н. НУСРАТОВ.

СУВ КЕЛТИРГАН АЗИЗ

● Қувонч келса қўш келади, деб бежиз айтишмайди. Навоийликлар ҳаётида кетма-кет қувончли воқеалар юз берди.

Биринчиси меҳнаткашларнинг талабларига биноан Ўзбекистон Республикаси Навоий вилоятининг қайта ташкил этилгани бўлса, иккинчиси кўп йиллардан буён давом этаётган Дамхўжа — Навоий ичимлик суви қувури дастлабки босқичининг ишга туширилганидир.

Навоий вилояти ташкил этилиши муносабати билан ўтказилган халқ депутатлари сессиясининг иккинчи кунидаёқ тоғ-металлургия комбинати ичимлик суви таъминоти хизмати майдончасида Дамхўжанинг ширин суви шаҳарга келишига бағишланган митинг бўлиб ўтди.

Митингда сўзга чиққан Бухоро, Навоий вилоятларининг ҳокимлари Д. С. Ёдгоров, А. А. Айдарқулов шаҳар меҳнаткашларини қувончли воқеа билан қутлашди. Шунингдек, митингда сўзга чиққан Навоий қурилиш бошқармаси бошлиғи Б. С. Бесчестнов, В. Б. Любоченко, комбинат электр тармоқлари бўлими мудири В. Громов ва бошқалар зардор қурилишда ишларни янада тезлаштириш тадбирлари тўғрисида гапиришди.

Қурилиш-монтаж ишлари яна 40 километрга давом эттирилгач, ичимлик суви Бухорога ҳам етиб келади. Бунёдкорлар йил охиригача бу маррага ҳам эришиш иштиёқида меҳнат қилишмоқда.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ

ҚИШЛОҚ БОЙ—ДАВЛАТ БОЙ

КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АКЦИОНЕРЛИК-ТИЖОРАТ ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТИ БАНКИ АКЦИОНЕРЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

Ишбилармонлик, тадбиркорлик, меҳнатга янгича муносабат Ўзбекистон Республикаси акционерлик-тижорат деҳқончилик саноати банкининг ҳаракат мезонига айланиб бормоқда. Мана шу муҳим омиллар туфайли ўтган йилнинг апрель ойида республика давлат деҳқончилик саноати банкининг меросхўри сифатида вужудга келган бу банк қисқа фурсатдаёқ ўз қаддини ўнглаб олди. Ўзбекистондаги мижозлар орасида мавқеини мустаҳкамлади. Қолаверса, республикадан ташқарида ҳам тилга тушди. Айни пайтда у Мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги Россия, Украина, Қозоғистондагидан кейинги энг йирик банк сифатида шуҳрат қозонган.

Ўтган йили деҳқончилик саноати банкининг тижорат фаолияти хўжаликлар иқтисодий фаоллигига банкнинг таъсирини кучайтириш, деҳқончилик саноати комплексини ва тадбиркорликни самарали ривожланиши учун кредит ва пул маблағлари билан ёрдам беришга, мижозлар манфаатдорлигини ва акционерлар даромад олишини таъминлашга қаратилди, кредит ресурсларини жойлаштиришнинг асосий тўғри йўналиши ташкил топди. Барча ресурсларнинг 95 фоизидан кўпроғи мижозларга берилган банк кредитлари сифатида фаол муомалада иштирок этди. Кредит муносабатларини ташкил этишда жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Кредитни илгариги алоҳида иншоот ва ишларга бериш усулидан субъектив кредит олувчига, аниқ юридик мақомга эга бўлган шахсларга, регионларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастурининг мақсадий мажмуаларига қарз бериш, қарз олувчиларнинг келиб чиқиши ва хусусийлик шаклидан қатъи назар қарз беришни бир маромга солиш асос қилиб қўйилди.

Деҳқончилик саноати банки хизмат кўрсатаётган деҳқончилик саноати комплексининг ва бошқа хўжаликларнинг моддий-техника базалари ишлаб чиқаришини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун берилган кредит 1992 йил 1 январга келиб 20,3 миллиард сўмни ташкил этди. 1992 йил 1 февралга келиб бу рақам 21,2 миллиард сўмга етди. Иқтисодиёт оғирлашаётган шароитда деҳқончилик саноати банки қишлоқ хўжалигида инвестицияни жорий этишга алоҳида аҳамият бермоқда. Шу тармоққа узоқ муддатли кредитлар бериш шу турдаги барча кредитларнинг 73 фоизини, яъни 1,2 миллиард сўмни ташкил этяпти.

Узоқ муддатли кредитнинг умумий ҳажми 1992 йил 1 январга 1,6 миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, паррандачилик фабрикаларини қайта қуриш ва техник жиҳатдан такомиллаштириш мақсадига 230 миллион сўм, чорвачилик иншоотлари қуриш учун 199 миллион сўм, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқлари ва музхоналар иншоотларини тиклаш учун 20 миллион сўм, қишлоқда ижтимоий объектлар қурилишига, яъни болалар боғчалари, мактаблар, шифохоналар, клублар ва бошқа муассасаларга 720 миллион сўм сарфланди. Бу тадбирлар албатта ўз самарасини бермоқда. Кредитлар билан қишлоқда ташкил этилаётган янги ишлаб чиқариш уюшмаларини қўллаб-қувватлашда зарур ишлар қилинмоқда. Фермерларга, ижарачиларга, деҳқон хўжаликларига ва қишлоқ хўжалик ширкатларига берилаётган кредитлар 76 миллион сўмни ташкил этади.

Жорий йилда давлат банкидан олинадиган кредит маблағлар учун йиллик тўлов 15 фоиз этиб белгиланди. Шу муносабат билан банк шўъбалари хизмат кўрсатилаётган мижозлар ўртасида тушунтириш ва янги фоиз ставкаларини ҳисобга олиб, кредит шартномаларини тузиш ишлари олиб борилмоқда.

Хусусий ресурсларнинг ҳаракатини яхшилаш, мижозлар учун қулайликлар яратиш ва хўжаликларга банк хизматини яқинлаштириш учун айрим районлардаги катта хўжаликлар базасида ҳаракатдаги банк бўлимларининг шохобчалари ташкил топмоқда. Ҳозирги вақтда бундай бўлимларнинг тўрттаси ишлаб турибди. Уларнинг дастлабкиси «Сўх» давлат хўжалигида ташкил этилган эди. Бу филиал 80 дан ортиқ хўжалик идорасида деҳқон хўжаликлари ва фермерлар ҳузурида комплекс кредит ҳисоб ишларини олиб бормоқда. Бу банк бўлимига хусусий ресурслар ҳисобидан хўжалик органларига тўла кредит бериш имконини берди. Натижада кредит бериш бўйича ўртача ўсиш 4 фоизни ташкил этди.

Яна бир гап: чет эл маблағларини янада кўпроқ жалб қилиш учун 9 та вилоят ва шаҳарда банкнинг алмашув пунктлари ишлаб турибди. Улар фуқаролардан, ҳуқуқий шахслардан ўзаро манфаатдорлик шарти билан эркин алмаштириладиган валюталарни сотиб олиш операцияларини бажармоқдалар. Ҳозирги кунда банкларда 21 мамлакатнинг 5856 минг сўмлик валютаси бор. Булар асосан савдога боғлиқ бўлмаган операциялар натижасида ҳосил бўлган.

Банк жамоаси Германиянинг Дойчебанки, Туркия қишлоқ хўжалик (зироат) банки билан ҳам муносабатлар ўрнатиш устида иш олиб бормоқда. Яқингача ҳам бу ишга юқори малакали кадрлар етишмаслиги тўғаноқ бўлиб келарди. Банк мутасаддилари бу муаммони узил-кесил ҳал этишди. Киев, Москва каби йирик шаҳарлардаги агробанк ва ташқи иқтисодий банкда кўплаб мутахассислар иш ўрганиб келишди. Бундан ташқари 40 нафарга яқин мутахассис қайта тайёрлаш учун ўқишга юборилди.

Банкнинг асосий вазифаси акционерлар манфаатини ҳимоя қилишдан иборат. Акционер бу банкда унинг манфаатлари ҳимоя қилинишига ва таъминланишига, у ўз масалаларини ҳал қилишда уни тушунадиган банк ходимларини топилишига ишонч ҳосил қилиши керак. Деҳқончилик саноати банки ҳайъатининг ва унинг бўлимларининг куч-ғайрати жорий йилда бозор иқтисодиёти шароитида республика олдида турган мураккаб ва қийин вазифаларни бартараф этиш бўйича банк фаолиятларини бундан кейин ҳам яхшилаш ва такомиллаштиришга қаратилиши керак.

Акционерлик тижорат деҳқончилик саноати банки акционерлик вакилларининг 24 февраль куни бўлиб ўтган йиғилишида банкнинг бир йиллик фаолиятидаги эришилган ютуқлар ва муаммоларга эътибор қаратилди, келгусидаги муҳим вазифалар белгилаб олинди. Шу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси акционерлик-тижорат деҳқончилик саноати банки бошқарувининг раиси А. Аҳадов маъруза қилди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қўмиталари раислари Э. Н. Хўжаев, Ш. М. Мирзаев, республика қишлоқ хўжалик вазири М. Й. Исломов иштирок этдилар.

Р. АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Банк етакчи иқтисодчиси М. Исмонлхўжаева билан катта иқтисодчи Н. Ниғматов компьютер ҳонасида; 2. Иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи Г. Баязитова, бухгалтерия ҳисоби ва ахборот бўлими бошлиғи Г. Петрачкова, банк бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари У. Музаффаров, банк бошқаруви раиси А. Аҳадов, бошқарув раиси ўринбосари Л. Антоновалар ўзаро фикр алмашмоқдалар.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуджон Ғофуров 75 ёшда

ЎЗИ КОМИЛ, ИЖОДИ БУТУН

Ўзбек саҳнасида чинакам истеъдодли, ўз ишига ихлоси баланд, фидойи, бир умр халқ ижодидан баҳра олган, ўз номига доғ туширмай, санъаткор шаънини баланд тутган артистлар кўп. Улар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Биргина Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театрида ана шу тоифа Лутфихон Саримсоқова, Раззоқ Ҳамроев, Сойиб Хўжаев, Абдурауф Болтаев, Зайнаб Самиева, Ҳамза Умаров каби ҳар бири бир олам санъаткорлар ўтган. Муқимий театрининг пойдевори қурилишида қатнашиб, ижодий жамоа билан бирга шунча йиллар давомида қадам ташлаб келаётган фидойи, ҳалол, ўз ишига чексиз садоқатли кишилардан бири Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуджон Ғофуровдир. У ҳамон сафда, ёшларни қанотига олиб ижод қилмоқда. Йигитлардай қадди ғоз, бежирим кийинган, сипо, қадами бардам, нигоҳи ўткир, шоирлардай гоҳ жўшқин, гоҳ паришон кайфиятли.

Маҳмуджон Ғофуров театрга шунчаки ҳаваскор сифатида эмас, Тошкентдаги Лоҳутий номидаги махсус театр санъати техникумини битириб кириб келган. Шу боис у Муқимий номини олиб, ўз йўналишини мусиқали драма деб белгилаган янги театрда дастлабки кунлардан бошлаб ўз ўрнига эга бўлди. Айниқса, драматург С. Абдулла ва бастакор Т. Жалиловнинг «Тоҳир ва Зуҳра» мусиқали драмасида Тоҳир образини яратгани Маҳмуджон Ғофуровга катта шуҳрат келтиради. Унинг ижодий йўналишини, услубини аниқлаб беради. Саҳнада ундан олдин ҳам, кейин ҳам ўнлаб актёрлар Тоҳир симмосини гавдалантирган бўлсалар-да, Маҳмуджон Ғофуровчалик шуҳратга эришмаганлар. Сабаби нимада? Қадди-қоматидами? Драматик маҳоратидами? Ширадор овоздами? Албатта, бундай имкониятлар Маҳмуджон Ғофуровда кучлироқ эди. Лекин унинг Тоҳири поклиги, шижоати, баҳодирлиги, маънавий бутунлиги билан томошабинларга манзур бўлган. Гап шундаки, «Тоҳир ва Зуҳра» саҳнавий асари халқ достони асосида яратилган. Гарчи Собир Абдулла давр тақозоси билан унга ижтимоий тус беришга ҳаракат қилган бўлса-да, саҳнавий талқинда барибир афсона, эртак руҳи устиворлик қилган. Маҳмуджон Ғофуров Тоҳирни халқ ижодида ёритилгандай, омма тасаввур қилиб келгандай пурвиқор, қадамларидан ўт чақновчи паҳлавон, соф муҳаббат ва адолат йўлида жон фидо қилишга ҳамиша тайёр қуйма бир тимсол сифатида гавдалантиради. Сўзларида, куйларида, муомала ва муносабатларида — борингки, бутун борлиғида гўзаллик, кўтаринкилик, маҳобат барқарор. Шу сабабли томошабинлар Маҳмуджон Ғофуров Тоҳирини севганлар, унга тақлид қилганлар, қўшиқларини меҳр билан куйлаганлар.

Албатта, қаҳрамонона-романтик ижро услуби Маҳмуджон Ғофуровнинг кашфиёти эмас. Аслида бу халқ ижрочилари — қиссахонлар, ғўяндалар ва воизларнинг услуби бўлиб, янги ўзбек театри ижодкорлари — Аброр Ҳидоятов, Муҳиддин Қори Ёқубов, Асад Исматовлар уни ўзлаштирган ва янги шароитларда ривожлантирган эдилар. Маҳмуджон Ғофуров уларнинг йўлидан бориб, қаҳрамонона-романтик услубни бойитди. Аммо мутахассисларнинг маълум даражада халқ ижрочилиги билан боғланган бу ва бошқа йўналишларни тўғри тушунмаган вақтлари ҳам кўп бўлди. Кўтаринкиликдан, бўрттирмадан, бадиҳадан воз кечиб, нуқул ҳаётни айнан кўчириш, психологик воситалар билангина образ яратиш талаби қўйилди. Маҳмуджон Ғофуров замонавий воқеаларни акс эттирувчи асарларда бундай талабларни баъзан ҳисобга олса олгандир, бироқ, оғзаки ва ёзма достонларнинг қаҳрамонларини гавдалантиришда ўзи танлаган услубга қатъий амал қилди. Ҳатто 20-йиллардаги воқеаларни акс эттирувчи ижтимоий мусиқали драма — «Нурхон» (Яшин асари, Т. Жалилов мусиқаси) спектаклида Ҳайдар ролини ижро этар экан, актёр уни романтик кайфиятлар, жўшқинлик билан безади.

Саҳнавий достонларнинг бош қаҳрамонлари одатда муҳаббат синовларидан яхши ўтиб, меҳр-вафода, ватанпарварлик ва инсоний муносабатларда ўзини баралла намойиш этувчи ёшлар бўлади. Актёр ижодида бундай ролларнинг умри қисқа кўпинча. Зеро, улғайган сайин ҳиссаяжонлар, эҳтиросларнинг жиловланиб, ҳатто ўтмаслашиб бораси. Ёшига номос ролда ўйнаган актёрда ясамалик пайдо бўлиб қолади, томошабин унга ишонмайди. Аммо Маҳмуджон Ғофуровда бундай образларнинг умри узун бўлди. Актёр 20 йил давомида Тоҳир, Алпомиш, Фарҳод, Равшан ролларида ўйнар экан, ёшлик эҳтиросларини, ҳиссаяжонларини йўқотмаслик, томошабинларни эса, уларнинг гирдобида сақлашга ҳаракат қилди. Тафовут у қадар сезилмади. Қадди-қоматини ҳамиша соз тутиш, овозининг жарангдорлиги, сўзларни дона-дона талаффуз этиш, пухта ўйланган, ифодали ва чиройли ҳаракатлар, рафторлар, нигоҳлар унга қўл келди. Маҳмуджон Ғофуров ҳатто 60-йилларда ҳам ошиқ қаҳрамонлар ролларида ўйнади. Масалан, 1970 йилда «Паранжи сирлари» (Ҳамза асари, Т. Жалилов мусиқаси) спектаклида санъаткор Рустам ролида чиққан. Ўшанда у 53 ёшда эди, шунга қарамасдан таъсирли образ яратган, ўз эҳтироси, қўрқмаслиги, Самарқанд саҳнасидаги ички изтироби билан томошабинларни тўлқинлантира олган.

Маҳмуджон Ғофуров бошқа тоифа ролларда ҳам кўп ўйнаган. Унинг ижодида бундай бурилиш аслида 1957 йилда рўй берган эди. «Ватан ишқи» (Шукур Саъдулла, Зиннат Фатхуллин асари, С. Бобоев мусиқаси) спектаклида Субҳонқул деган мураккаб қисматли «босмачи» образини яратган эди. Актёр ҳам сўз, ҳам мусиқа воситалари билан йўлидан адашиб, гангиб қолган оддий бир деҳқоннинг алам-ситамларини, иккиланишларини, меҳр-муҳаббатини ажиб бир маҳорат ила очиб беради. Аммо шунда ҳам актёр ўз услибига содиқ қолади: ҳолатларни, туйғуларни қабартириб, чертиб тасвирлайди.

Ўрта ёшли ва кекса кишиларнинг образлари орасида «Қизбулоқ» (Туроб Тўла асари, И. Акбаров мусиқаси) спектаклида яратилган Шайх Аълам образи актёр ижодида алоҳида ўринда туради. 1968 йилда саҳналаштирилган бу ижтимоий-фалсафий асар умуман мусиқали драма тараққиётида, жумладан, Маҳмуджон Ғофуров ижодида муҳим аҳамият касб этди. Нега деганда, эътибор асосан инсон қалбида кечмиш ички зиддиятларга қаратилди.

Актёр умри тоат-ибодат билан ўтган Шайхнинг мақбарада авлиё эмас, даҳрий дафн қилинганини, ёнида гўнг қиёфасида юрган кимса муттаҳам эканини билгач, чеккан руҳий азобларини юқори пардаларда тасвирлади. Шуни ҳам қўшиб кетиш керакки, Маҳмуджон Ғофуров ўзи севган «Нурхон», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Паранжи сирлари» асарларининг янги саҳна талқинларида кексалар ролларини ҳам меҳр билан ижро этди. «Гул ва Наврўз» спектаклида эса Элат беги образини яратди.

Маҳмуджон Ғофуров—ҳаётда ҳам, санъатда ҳам жиддий инсон. Саҳнани муқаддас жой деб, санъат кишиларни яхшилик, инсонпарварлик руҳида тарбия қилиши керак деб билади. Турсуналига ўхшаган («Олтин кўл», Уйғун асари, М. Левиев мусиқаси) бир-икки шўхликка мойил ролини ҳисобга олмаганда,бутун ижоди драматик ва фожиали роллардан ташкил топган.

Ҳаёти ва ижоди кўпларга ўрнак бўла оладиган севимли санъаткоримизга узоқ умр тилаймиз.

Муҳсин ҚОДИРОВ,
санъатшунослик доктори, профессор.

Суратда: Маҳмуджон Ғофуров «Олтин кўл» спектаклида Турсунали образини талқин қилган эди. Уни ана шу ролда кўриб турибсиз.



Узумзорлар кенгаймоқда

Гагарин районидаги А. Навоий номли давлат хўжалигида токзорлар кенгайтирилди. Ҳозир 550 гектар ерда узум етиштирилмоқда. Утган йили эса бор-йўғи 180 гектарли токзор бор эди. Ана шу майдонлардан 340 тонна сершира узум йиғиштириб олинди. Ундаги қанд миқдори 26 фоизни ташкил этди. Бу йил эса ҳар гектар майдондан 60 центнердан ҳосийни, кишмиш ва тоифи йиғиштириш мўлжалланмоқда. Айни кунларда боғларга ишлов бериш ва уларни таъмирлаш ишлари авжида.

Суратларда: хўжаликнинг моҳир боғбони Зокир Абдуллаев. 2. Токзорда иш қизғин.

И. ХУЖАЕВ олган суратлар.

(ЎзА).

Ўзбекистон—Туркия

АХБОРОТ КЎПРИГИ

Туркия Ўрта Осиё Республикаларидаги мухбирлар учун малака ошириш курси ташкил этади. Туркия ҳукуматининг бу қарори Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ЮНЕСКО ташкилотининг ишларини маълум қилинди.

АНАДЎЛИ агентлиги мухбирига маълум қилинган хабарларга кўра, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Озарбайжондан биттадан мухбир олти ҳафта мобайнида Туркиядаги газета ва радиода малака оширади.

(ЎзА—АА).

«ТЕЛЕТОШ» ФИРМАСИ РЕСПУБЛИКАМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси алоқа вазирлигида Туркиянинг «Телетош» фирмаси билан танишиш маросими бўлди. Бу ерга телеалоқа воситалари, кичик автомат телефон станциялари, электрон телефон аппаратлари ва «Телетош» фирмасининг бошқа ускуналари қўйилган эди.

Кўргазма очилишида сўзга чиққан фирма тижорат директори Эрол Тараф Туркия ишбилармонлари Ўзбекистон билан дўстлик алоқалари ривожланаётганлигидан мамнун эканлигини таъкидлади.

Хуллас, Туркиянинг «Телетош» фирмаси республикамизда қарор топадиган бўлди.

Ф. НАЗИРОВ,
ЎзА мухбири.

ЮНИСЕФ МУТАХАССИСЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг болаларга аталган жамғармаси (Юнисеф) мутахассислари гуруҳи Ўзбекистонга келди. Улар Президент И. А. Каримовнинг таклифига биноан республикага қадам ранжида қилганлар.

Мутахассислар кўпгина масалаларни ўрганиш вазифасини ўз олдиларига қўйганлар. Уларнинг мақсади биринчи галда болалар ва аёлларга даҳлдор бўлган муаммолар билан яқиндан танишишдан иборат. Соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув таъминоти, таълим, ижтимоий ҳимоя муаммолари шу жумлага киради. Йиғилган ва расмий манбалардан олинган ахборот комиссиянинг маълумотномасида умумлаштирилади ва жаҳон ҳамжамиятига маълум қилинади.

Тошкентда ЮНИСЕФ вакиллари манфаатдор вазирликлар ва идораларининг раҳбарлари билан учрашдилар, ўзларига зарур бўлган маълумотларни олдилар. Бу учрашувлар давом этади. Сўнгра мутахассислар икки гуруҳга бўлиниб, Термиз, Урганч, Мўйноқ, Нукус, Фарғона водийсига борадилар, республиканинг экология жиҳатидан қалтис жойларидаги вазият билан танишадилар.

Шу ҳафтада давра суҳбати ўтказиш режалаштириб қўйилган, бу учрашувда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон делегациялари иштирок этадилар.

Дарвоқе, делегация аъзолари Ўзбекистонга келишдан аввал Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистоннинг экологик жиҳатидан нохуш жойларни кўздан кечирган эдилар.

(ЎзА).

ДЕҲҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ МАРКАЗИ

Тошкентда ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими негизида ташкил этилган Ўзбекистон деҳқончилик фанлари академиясининг биринчи йиллик йиғилиши бўлиб ўтди. Академия Президенти А. И. Имомалиевнинг маърузасида шу давр ичида нималар қилинганлиги, академия қандай камол топаётганлиги, қайси вазифаларни ҳал этиш зарурлиги каби масалалар ёритиб берилди.

Йиғилишда деҳқончиликни механизациялаш ва деҳқончилик-саноат комплексига аталган машина-механизмларнинг техникавий савиясини ошириш, деҳқончилик атамалари луғатини тайёрлаш ва нашр этиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси деҳқончилик-саноат мажмуини ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш қайси илмий муассасалар зиммасига юклатилиши аниқ-равшан белгилаб олинди.

(ЎзА).

ХАЙРЛИ МАҚСАД

АММО БУ ИШ ТУРАЧИЛИК ТУСИҚЛАРИГА УЧРАБ, САМАРА КУРСАТА ОЛМАЯПТИ

Ўзбекистонда гиёҳвандлик, наркобизнес (наркотик моддаларни тайёрлаш, сотиб олиш ва қайта сотиш орқали бойлик орттириш)га, уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи «Инсон» уюшмаси тузилганлиги ҳамда у расман рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида ўтган йили кузда рўзномамизда хабар берган эдик. Хайрли мақсад йўлида тузилган уюшма шу давр ичида нима билан шуғулланди, ютуқ ва муаммолари нималардан иборат? Мухбиримиз ана шу саволлар билан уюшма президенти М. МАДРАҲИМОВга мурожаат қилди.

— Кейинги йилларда одамлар ўртасида гиёҳвандлик ва ичкиликка ружу қўйиш бирмунча кучайди. Натижада кайф орқасида қилинган турли жиноятлар ҳам ортиб бормоқда. Бу бир томондан айримларнинг юз берган турмуш қийинчиликларидан чиқиш йўлини билмай гиёвандликка ружу қўяётгани бўлса, иккинчи томондан, наркотик моддалар сотиш орқали бойлик орттириш кўпроқ нопок кишиларнинг даромад манбаига айланиб бораётганидир. Шунинг учун ҳам одамларни гиёҳвандлик ўз домига кўпроқ тортиб боряпти.

Ўтган йили жумҳуриятимизда таркибида наркотик моддалар бўлган гиёҳлар экилган майдонлар бир неча минг гектарни ташкил этди. Ваҳолонки, шу жойларда халқимиз учун зарур бўлган бошқа фойдали экинларни ўстириш мумкин эди. Тегишли назоратнинг йўқлиги туфайли наркобизнес билан шуғулланувчилар миллион-миллион фойда кўрдилар. Гиёҳларни истеъмол этувчилар эса соғлиқларидан айрилиб боришяпти. Маълумотларга қараганда, ички ишлар органларининг қилган ҳаракатларига қарамай наркотик гиёҳлар ўстирилаётган майдонлар тобора кўпайиб кетаётир.

Жамиятни жарга етакловчи мана шу даҳшатли иллатни тар-томири билан йўқотиш учун илгари ички ишлар органларида ишлаган бир нечта кишилар унга қарши курашни кучайтириш мақсадида ўз кучларини бирлаштирдилар. Яъни, гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши курашувчи «Инсон» деб номланган уюшма тузишди.

Уюшма мутахассислари қисқа вақт мобайнида наркотик гиёҳлар ўстириш доирасини чуқур текширдилар. Уни сотиш усуллари, бошқа ерларга жўнатиш йўлларини ўргандилар. Натижада шу нарсага амин бўлдикки, жумҳуриятимизда наркотик гиёҳлар ўстирилибгина қолмай, унинг ҳудуди орқали бундай гиёҳлар бошқа жойларга жўнатилар экан.

Наркотик моддаларни Ўзбекистон ҳудудидан олиб ўтиш чоғида унинг анчагина қисми шу ердаги аҳоли ўртасида тарқалади. Шунинг учун ҳам гиёҳвандлик касалига мубтало бўлганлар сони йил сайин кўпаймоқда.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, уюшмамизнинг асосий вазифаси гиёҳвандлик ҳамда наркобизнесга қарши ноанъанавий усуллар ёрдамида курашишдан иборат. Биз наркотик гиёҳларни истеъмол қилувчиларни аниқлаймиз. Уларни даволаш учун ящирин тарзда текширадиган врачлик кабинетлари очамиз. Гиёҳвандларни даволаш билан боғлиқ ишлар сир тутилади. Бундан ташқари уюшмамиз меҳр-шафқат ишлари билан ҳам шуғулланади. Яъни, даволаниб чиққан гиёҳвандларни биз ишга жойлаймиз. Ўзимиз очган кичик ва қўшма корхоналарга жалб этамиз.

Бундан ташқари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорликда гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка қарши тарғибот ташвиқот ишларини олиб боришни мўлжаллаганмиз. Келгуси режаларимизда кичик ва қўшма корхоналар очиш орқали улардан олинган фойдани гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши курашга, шунингдек соғломлаштириш ва даволаш комплексларини очишга сарфлаш кўзда тутилган.

Аммо ишимизнинг юришиб кетиши учун бизга дастлаб бирмунча маблағ керак бўлади. Биз шуни назарда тутиб жуда кўп ишбилармонлар ва бизнесменларга мурожаат қилдик.

Ўтган йил ноябрь ойида «Совпластитал» қўшма корхонасининг бош директори А. Мелкумов билан суҳбатлашдик. У биз бошлаган ишнинг республикамиз равнақи, инсон саломатлиги йўлида катта аҳамиятга эга эканлигини эътироф этди. Бизга муваффақият тилади. Икки миллион сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами беришини айтди. Лекин бир неча муддат ўтгандан сўнг у пул беришдан бош тортди.

Кўпчилик юқори раҳбар органлар биз бошлаган ишнинг эзгулигини оғизда тан олишса-да, амалий ёрдамга келганда ўзларини олиб қочишмоқда. Масалан, «Инсон» уюшмасига штаб-квартира ажратиш учун Киров район ижроия қўмитасига ёзма равишда қилган мурожаатимиз ҳам инобатсиз қолмоқда.

Шу йил январь ойида уюшмамиз таъсисчилари республика ички ишлар вазирлигига расман хат билан мурожаат қилдилар. Лекин у ердан ҳам амалий ёрдам ололмадик. Ички ишлар вазирлигининг жиноят қидирув бошқармаси ходимлари бизга: гиёҳвандлик ва наркобизнесга қарши кураш давлат органларига тегишли. Ўзимиз шуғулланаверамиз, деб айтишди. Бизнингча, унга қарши кураш фақат давлат органларига ташлаб қўйилмаслиги керак.

У ҳар биримизнинг, ҳаммамизнинг ишимизга айланмоғи лозим. Акс ҳолда, юқорида айтиб ўтганимиздек, жиноятчилик ортаверади. Соғлом турмуш тарзи қарор топмаган жамиятнинг келажаги йўқ. Шунинг учун кучларимизни бирлаштирмас эканмиз, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.

Биз ҳануз ўз ишимизни йўлга қўйиш учун идорамандора сарсон бўлиб юрибмиз. Ўйлаймизки, мутасаддилар ўртоқлар, ишбилармонлар, бизнесменлар, қўйингки, халқ саломатлиги, жамият равнақи ҳаммамизга бўлган ҳар бир киши бизга ёрдам беради.

Чунки ҳар томонлама ривожланган жамиятни барпо этиш учун фақат бойликни кўпайтиришнинг ўзигина камлик қилади. Аввало, уни барпо этувчилар ҳам маънавий, ҳам жисмонан соғлом, баркамол бўлишлари керак. Бунга эса ҳаммамизнинг ҳаракатимиз билангина эришилишини унутмаслигимиз лозим.

Суҳбатдош К. РИХСИЕВ.
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ТАДБИРКОРЛИК—ДАВР ТАЛАБИ

КАТТА РЎЗҒОР

Тойлоқ — Самарқанд вилоятининг кенжа районидир. Баҳор ойларида бу ерда бўлган киши ажиб манзаранинг гувоҳи бўлади. Дарахтлар қийғос гуллаган. Токлар барг чиқариб, майсалар қўёшга талпинган кезлар дала айлансангиз, ғуборингиз тарқайди. Тоза ҳаводан мириқиб нафас оласиз. Кайфиятингиз кўтарилиб, ширин ҳаёллар оғушига бериласиз.

Кузда эса олмазор оралаб, боғ кезсангиз ҳосилни кўриб кўзингиз қувнайди. Ноз-неъмат яратаётган боғбону соҳибкорларни алқайсиз.

Ҳозир эса қиш. Юмушлар бироз камайган. Бундай пайтларда якунлар чиқарилиб, режалар белгиланади. Кирим-чиқим чўтга солиб кўрилади.

Кўп тармоқли «Жумабозор» (илгариги «Ленинобод») давлат хўжалигида қўлга киритилаётган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликлар ҳамда ечилиши керак бўлган муаммолар хусусида гаплашиб олинди.

Замон ўзгарди. Энди маъмурий-буйруқбозлик кетмайди. Очиғи, ҳозирги директору раисларга қийин. Гапи билан иши бир бўлиши керак. Қолаверса, кўпнинг кўнглидаги гапни билиши, ишбилармон, тадбиркор, жамоа манфаатини ўйлаб ишлайдиган кишигина етакчи бўлиши мумкин. Шу боис жамоа Тоштемир Эрназаровни яна ёқлаб овоз берди.

— Ўзим ҳам, жамоамиз ҳам астойдил ишлашга қарор қилдик, — дейди у. — Шундагина биримиз икки, дастурхонимиз тўкин бўлади. Моддий манфаатдорлик ҳам ортади. Бақир-чақир, ғиёв билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Аксинча, бор барака ҳам кетади. Қисқаси, ҳозир ишлайдиган замон келди.

Энди хўжаликда ўтган йили амалга оширилган ишлар хусусида. Хўжаликнинг биринчи ҳосили — бу пилладир. Очиғини айтиш керак, бултур пиллакорлар яхши меҳнат қилишди. Қабул пунктларига ўн тоннага яқин саноат хом ашёси топшириб, режани уддалашди. Бу соҳада янада юқори кўрсаткичларга эришиш, давлатга сифатли пилла етказиб бериш имкониятлари бор. Бунинг учун, аввало, янги тутзорлар барпо этиш ҳамда мавжуд тутзорлар майдонларини кенгайтириш лозим.

Таъкидлаб ўтганимиздек, кўп тармоқли хўжаликда мева-сабзавот, узумчилик асосий ўрин тутади. Сабзавоткорларнинг астойдил қилган меҳнати самарали бўлди. Топшириқ ортиғи билан бажарилди. Жамоа аҳли ўтган йил якунлари бўйича полиз маҳсулотлари етиштиришдан бир миллион 800 минг сўм фойда кўрди.

Помидор, карам каби полиз маҳсулотларининг ҳосилдорлигини ошириш ҳамда сифатини яхшилаш борасида изланишлар олиб борилаётир. Шунинг учун яқинда Кишинёвдан ноёб помидор уруғлигидан олиб келинди. Бу йил анчагина майдонда ана шу помидор уруғи экилиб синаб кўрилади.

Ҳўл мева ва узум етиштириш хўжалик иқтисодиётидаги асосий тармоқлардан ҳисобланади. Давлатга ўтган йили бир минг 814 тонна ана шундай сарғиш маҳсулотлар етказиб берилди. Жамоа аъзолари айни кунларда асосий эътиборни токлар ва дарахтларни суғориб, озиқлантиришга қаратганлар. Янги боғлар яратиш режалаштирилган. Маълумки, ҳар бир ниҳол ўз-ўзидан кўкариб, ҳосил беравермайди. У қаровга, сувга, қолаверса, инсон меҳрига муҳтож. Шу туфайли боғбону соҳибкорлар масъулиятини ошириш, уларни рағбатлантириш йўллари изланяпти. Бундан кўзланган асосий мақсад эл дастурхонига яна кўпроқ ҳўл мева етказиб бериш, қолаверса, мевали боғ-роғлар яратиш билан табиат кўркига-кўрк қўшиш, одамлар ҳордиқ чиқарадиган маскан барпо этишдан иборат.

1991 йилда хўжалик тўрт миллион 442 минг сўмлик маҳсулот сотди. Ортиқча маҳсулотдан олинган 812 минг сўм эса ишчиларга мукофот тариқасида берилди. Ҳозир жуда кўп жамоалар, давлат хўжаликлари мол айирбошлаш — бартер йўлидан бориб тўғри қилмоқдалар. Мазкур хўжаликда ҳам бартер йўли билан керакли маҳсулот ҳамда материаллар олиб келинмоқда. Икки минг тонна сабзавот маҳсулотлари эвазига етишмаётган қурилиш материаллари олиб келинаётир. Ҳозирча 200 куб метр ёғоч, 250 куб метр тахта, 350 тонна цемент олинди. Шу тариқа аҳолининг эҳтиёжини қондириш ва манфаат кўришлари учун шериклар билан шартномалар тузилмоқда.

Меҳнат қилганларни қадрлаш, уларнинг дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун зарур шароит яратишга ҳам эътибор бериляпти. Шу мақсад йўлида ўтган йили клуб, болалар боғчаси, бошқа объектлар қурилиб фойдаланишга топширилди. Юз ўринли касалхона қурилишининг лойиҳа ҳужжатлари тахт.

Жамоада маҳсулотларни шу ернинг ўзида сақлаш ва қайта ишлаш тадбирлари кўрилаётир. Ҳозир минг тонна сабзавот сақланадиган омборхона қуриляпти. Консерва заводи қурилиши лойиҳалаштирилди. Мазкур объект ишга туширилгандан сўнг бу ердаги қатор муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади. Помидор ва бошқа тез бузиладиган сабзавотлар хўжаликнинг ўзида қайта ишланиб, истеъмолчиларга етказиб берилади. Муҳими, ишсиз юрган одамлар иш билан таъминланади.

Бозор иқтисодиёти ҳар бир имкониятдан омилкорлик билан фойдаланишни талаб қилаётир. Шунинг учун хўжаликда даромад келтириши мумкин бўлган йўллар қидирилмоқда. Яқин келгусида узум навлари яхшиланиб, майизчиликка ихтисослаштириш кўзда тутилган.

Аҳолини тоза ичимлик сув, табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги республика Президентининг Фармони ҳам изчил амалга оширилияпти. Бугунги кунга келиб, хонадонларнинг тўқсон фоизи тоза ичимлик сув, етмиш фоизга яқини эса табиий газ билан таъминланди. 1991 йилда 130 оилага ер участкалари ажратиб берилди.

Хўжалик чорваси ҳақида икки оғиз сўз. Бу соҳа якунлари ҳам ёмон эмас. Гўшт, сут етиштириш топшириқлари ортиғи билан бажарилияпти. Ем-хашак етарли бўлганлиги ҳамда моллар яхши парвариш қилинганлиги туфайли чорвадорлар қабул пунктларига 542 тонна сут, 52 тонна гўшт етказиб беришди. Муваффақиятга М. Самадова, Т. Набиева, Р. Бердимуродова каби сут соғувчилар муносиб улуш қўшдилар. Бузоқ олиш режаси ҳам бажарилди. Чорвадорлар жорий йилда моллар туёқ сонини кўпайтириш, наслини яхшилаб, аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини қондиришни биринчи галдаги вазифалари деб билишмоқда.

Баҳор яқин. Кўп тармоқли «Жумабозор» давлат хўжалиги аъзолари кўклам тараддудини кўришаётир. Уларнинг бу йилдан умидлари катта. Эркинлик, ташаббускорликка кенг йўл очилганлиги сабабли ҳам жамоа аъзоларининг руҳи тетик. Юқоридан илгаригидек тазйиқ йўқ. Элга нафи тегадиган, унинг дастурхонига керакли бўлган неъматларни ҳалолпокиза етиштириб берсалар бас. Шу ўй, шу хайрли ташвиш боғбон-у соҳибкор, сабзавоткору чорвадорнинг ғайратига-ғайрат қўшяпти.

— Муҳтож оилалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиб, иложи борича ёрдам кўрсатяпмиз, — дейди хўжалик директори Тоштемир Эрназаров. — Наврўз байрами арафасида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида таълим олаётган талаба укаларимиз билан учрашув ташкил этишни режалаштирганмиз. Ўйлайманки, бу учрашув фойдали бўлади. Мулоқотдан кўзланган мақсад — талабаларга ҳам маънавий, ҳам моддий кўмак бериш.

Хўжалик ҳам катта рўзғор, дейдилар. Унинг минг бир ташвиши-ю, муаммоси бор. Буларнинг ҳаммасини кўпчилик бўлиб ҳал этса бўлади. Биз бунга ишонамиз.

Р. ШОДИЕВ,
Д. ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

● Тошкент вилоятининг Калинин ноҳиясидаги «Назарбек» давлат хўжалигида жойлашган «Иттифоқ» маҳалла қўмитаси аъзолари янги мадраса, мачит ва маданий марказ қуриш ташаббуси билан чиқдилар. Давлат хўжалиги эса бу биноларнинг қурилиши учун совхоз марказидан ярим гектар ер ажратди.

СУРАТЛАРДА: 1. (чапдан ўнгга) уруш ва меҳнат фахрийси Б. Сафарбоев, мутаваллий М. Инағомов, имом Ғ. Мирзаев, маҳалла қўмитаси раиси Т. Исломов, «Назарбек» давлат хўжалиги касаба уюшмаси раиси А. Нурмуҳамедов ҳамда И. Исломовлар иш устида. 2. қурилиш учун ажратилган жой. В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

• ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

ЯНГИ РЕЖАЛАР АСОСИДА

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат дорилфунуни ташкил топган дастлабки йилда ижтимоий-сиёсий, физика, техника, табиатшунослик ва лингвистика бўлимлари мавжуд бўлиб, 10 профессор-ўқитувчи 65 талабани ўқитар ва таълим-тарбия берар эди, — деди ректор **М. Жўрақулов мухбиримиз билан суҳбатда.** — Шундан бери 65 йил вақт ўтди. Ҳозирги вақтда бу олий даргоҳдаги 12 факультетда 11,5 мингга яқин ёшлар илм-фан сирларини ўрганмоқдалар, таълим-тарбия олмоқдалар. Бу ерда илм-фаннинг 18 йўналишида 60 га яқин тармоқ ихтисослари бўйича халқ хўжалигининг турли соҳалари учун етук кадрлар тайёрлаб берилмоқда. Унинг таркибида 74 кафедра, 3 асосий ва муаммоли йирик илмий тажрибахоналар, 2 тармоқ илмий-тадқиқот тажрибахонаси, ҳисоблаш марказлари, илмий кутубхона, босмахона кабиларнинг барчаси ўқув жараёнини ташкил этиш ва илмий ишларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ҳозирги пайтда ҳар йили бу олий даргоҳни 2 мингга яқин талаба тугаллаб, мустақил ҳаётга йўлланма олмоқда. Бу эса дастлабки йилдагига нисбатан 30 баравар кўп демакдир. Дорилфунун халқ хўжалигининг турли соҳаларини ривожлантириш, маданий-маърифий ишларни амалга ошириш, мустақил жамият қурувчи етук ва баркамол ёшларни тарбиялаб вояга етказишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

— **Дорилфунун маъмурияти ва жамоат ташкилотлари ўқув жараёни сифатини янада яхшилаш, юқори малакали мутахассислар етказиб бериш, илм-фанни ривожлантиришга қандай аҳамият беряпти?**

— 1987—88 ўқув йилидаги ярим йиллик тажриба асосида ҳафталик 46-48 соатлик дарсдан 24—28 соатлик дарсга ўтиш тўғрисида дорилфунун илмий кенгашининг қарори ва ректорнинг буйруғи барча факультетлар учун мажбурийлиги факультетларга, бўлимларга ва кафедраларга етказилди. Бу ҳақда матбуотда ҳам қатор материаллар бериб келинмоқда. Натижа кутганимиздай бўлиб чиқди. Чунки, энди талабаларга уларнинг мустақил ишлари учун кўпроқ вақт ажратиш имкониятига эга бўлдик. Талаба ҳисобидаги бир ҳафталик 54—60 соатлик вақтининг қарийб 40 фоизига яқини мустақил ишлашга ажратилади. Мустақил ишларни фақат ўқув хоналари ва кабинетларда ташкил этишга ҳаракат қилинмоқда. Чунки мустақил ишларни адабиётларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Лекин сўнгги пайтларда турли фанларни қўшимча равишда ўқув режасига қўшиш ҳақидаги кўрсатмалар келавериб, ишимизни бирмунча қийинлаштириб юборди. Чунки, кўрсатмаларда янги қўшиладиган фанларга ажратиладиган соатлар қайси ҳисобдан бўлиши аниқ айтилмайди. Ниҳоят, яқинда олинган Давлат тили қонунини рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган бир буйруқда барча ўзбек гуруҳларида етмиш соатдан ўзбек тили ва адабиёти машғулотини киритиш ва унинг соатларини ижтимоий-сиёсий фанлардан олиб бериш аниқ кўрсатилди.

Талабаларга турли фанлар бўйича ўқув материалларини сингдиришда ЭҲМ; компьютер ва ўқитишнинг техник воситаларидан кенг фойдаланиш масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Айниқса, шогирдларга билим беришда амалий математика, физика, чет тиллари, кимё ва айрим факультетлараро кафедраларимизнинг ишлари ҳозирги давр талабига жавоб берарли даражада деб айта оламиз. Кейинги 2—3 йил ичида дорилфунунни компьютерлаштириш учун 13-14 миллион сўмлик компьютер техникалари сотиб олинди ва ўрнатилди. Сўнгги йиллар ичида педагогик тажрибаларни бевосита талабаларимизнинг ўзлари келгусида бориб ишлайдиган шаҳарлар ва районлар мактабларида ўтказиш синаб кўрилди. Бу муҳим ишда тарих ва ўзбек филологияси факультетлари ташаббускор бўлдилар. Юқори курс талабаларининг айримлари мактабларда 0,5 ўқитувчи вазифасида ҳам ишлашга ўтдилар. Келгусида бу соҳадаги ишларимизни бошқа факультетларда ҳам жорий этишимиз лозим.

Сўнгги йилларда (1987 йилдан бошлаб) ишлаб чиқариш тажрибаларини қўшни мустақил давлатлар ва чет элларда ўтказиш учун келишиб олинди. Чет эллардаги илмий саёҳат тажрибалари валютасиз ўзаро тажрибалар алмашинуви билан олиб боришга киришилди. Биз ҳозирги пайтда АҚШ, АДР, Туркия, Ҳиндистон, Франция ва Европа минтақасидаги бошқа ҳорижий мамлакатлар билан икки томонлама шартномалар тузиб, ўзаро алоқаларимизни мустаҳкамлямоқдамиз. Ўқув-тажриба ва илмий-тадқиқот бобидаги дўстона муносабатлар ривожланиб бормоқда. Бирғина сўнгги беш йил ичида 34 илмий ходим ва 33 та талаба чет эл илмий сафарларида бўлиб қайтди. Биология факультетининг бир гуруҳ талабалари Чехословакия ва жуғрофия факультетининг бир гуруҳ талабалари Венгрия республикасига бориб, ўзаро фойдали тажриба алмашдилар. Келгусида бу ишларимиз доирасини янада кенгайтиришга ҳаракат қиламиз. Айни вақтда Туркияга 50 дан зиёд талабани юборишга тайёргарлик кўрилаётир.

Синов ва имтиҳонларни талабалар тайёр бўлган вақтда сессия муддатларини кутиб турмасдан, исталган пайтда уларни ташкил этишни астасекин амалга оширмоқдамиз. Умуман, синов ва имтиҳонларни талабаларнинг билим савиясига қараб баҳолаш масаласини жорий этиб бориш маъқулга ўхшайди. Бу илғор тажрибаларни келгусида янада оммалаштириб боришга ҳаракат қилмоқдамиз. Сессияларда ўтказиш учун келилар даврида олинадиган имтиҳонларни шу гуруҳларга барча талабалар иштирокида ташкил этиш ҳам яхши натижалар бермоқда. Бу тажриба ўзбек филологиясининг айрим профессор — ўқитувчилари томонидан сўнгги 3—4 йил давомида амалга оширилиб келиняпти. Биз бундай фойдали тажрибани ҳам кенг доирада оммалаштириб боришимиз керак.

Ўқув жараёнини жадаллаштириш мақсадида янги йўналишлар бўйича махсус кафедралар ташкил этилмоқда. Сўнгги 3—4 йил ичида «Маданият назарияси ва тарихи», «Космик физикаси ва астрофизика», «Тожик тили», «Экология, табиатни муҳофаза қилиш ва ўсимликларни биологик усуллар билан асраш» каби кафедраларнинг ташкил этилганлиги фикримизнинг исботидир. Бундан икки йил бурун «Ҳуқуқшунослик» факультетини қайта тиклашга эришдик. «Ноорганик жисмлар технологияси», электроника ва ярим ўтказгичлар физикаси бўлими очилди. 1989 — 1990 ўқув йилидан бошлаб янги факультет — «Тожик филологияси» факультети ишлай бошлади. Шунинг билан бирга, зарурий кафедраларни очиш билан бир қаторда, кам сонли ва кам қувватли кафедраларни йириклаштириб бориш, баъзиларини эса қисқартиришни ҳам ўйлаб кўряпмиз. Худди шу мақсадда «Умумий тилшунослик» кафедраси қисқартирилди. Бундан илгари худди шундай ишлар рус филологияси, биология ва чет тиллари факультетларида ҳам амалга оширилганди.

Бу бир томондан, ўқув жараёни ва илмий ишларни ривожлантиришга ёрдам берса, иккинчи томондан, ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтаётган давр тақозоси билан ҳам боғлиқдир. Шу маънода айрим факультетларни ҳам йириклаштириб бориш-ни ўйлаб кўриш фойдадан ҳоли бўлмас деган фикрдамиз.

Давлат тили қонуни қабул қилиниши муносабати билан ўзбек тилида ўқитилмайдиган гуруҳларда давлат тилини ўқитиш ишини йўлга қўйиш, ходимларга давлат тилини ўргатиш ва назорат қилиш мақсадида 1990 йил сентябрида «Факультетлараро ўзбек тили» кафедраси ташкил этилди.

— **Илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг илмий ҳамкорликларини янада мустаҳкамлаш борасида ҳам тўхталсангиз?**

— Ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш ўзбек филологияси, тарих, физика, амалий математика, кимё, математика факультетларида қўнгилдагидек олиб борилаётганлигини қайд этиш ўринлидир. Ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши туфайли талабаларнинг иккита илмий ишлари тўплами босмадан чиқарилди. Ҳозирги вақтда навбатдаги илмий ишлар тўпламларини тайёрлаш устида иш олиб борилмоқда. Факультетлар доирасидаги шогирдларимизнинг қўлёзма журналлари ҳам чиқиб турибди. «Шалола» илмий ижодий бирлашмаси, «Ёш химик», «Ёш физик», «Молодой лингвист», «Ёш адабиётчи», «Лингвистик бюллетень» сингари қўлёзма журналлар ва ўқув-илмий клублари бунга мисол бўла олади.

Профессор-ўқитувчилар ва талабалар ҳамкорлигини юқори савияда ёзилаётган диплом ишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунки мавзуни танлаш, режа тузиш ва адабиётларни аниқлаб бериш, пайдо бўлган муаммоларни ҳал этиб, ўқиш жараёнида уларни тўлдириш, таҳрир ва такрор таҳрир этиш сингари ишларимизнинг барчасида ўқитувчиларимизнинг озмунча хизматлари борми? Демак, диплом ишининг тайёрланиш жараёни илмий раҳбар ва дипломчи ўртасидаги ҳақиқий ҳамкорликдир.

Энг муҳимларидан бири — она тилимизнинг давлат тили ҳуқуқини тўла амалга ошириш учун бутун жамоа сафарбар этилади. Дорилфунуннинг давлат тили комиссияси қонунни бажариш борасида фаол иш олиб бормоқдалар. Айниқса, шу кунларда бу соҳадаги чора-тадбирлар сарҳисоб қилиниб, аниқ режалар белгиланмоқда.

• СПОРТ

ШАРҚОНА БЕЛЛАШУВДА

● **ХОРАЗМ («Ўзбекистон овози» мухбиридан). Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда саккиз вилоятдан тўпланган полвонлар ўртасида федерация совғини учун қизғин беллашувлар бўлди.**

Урганчдаги «Динамо» спорт комплексида спортнинг шарқона турларидан ҳисобланган таэквандо бўйича бу мусобақа ХДП Урганч шаҳар Кенгаши ҳомийлигида уюштирилди. Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов қатнашди. Муросасиз беллашувларда тошкентликлар биринчи ўринни эгаллашди. Тошкент, Сирдарё, Фарғона вилоятларининг жамоалари 2—4 ўринларни олдилар.

ЯКУНЛОВЧИ УЧРАШУВДА

● **ФРАНЦИЯНИНГ Альбервил шаҳрида қарийб икки ҳафта давом этган қишки олимпиада мусобақаларн якунланди.**

Олимпиаданинг тантанали ёпилиши ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Туташ беш халқа рамзи туширилган оқ байроқ оҳиста туширилди. Йирик анжуман машаласи ҳам сўнди. Лекин қизғин ва муросасиз баҳслар, бетакрор воқеалар миллионлар қалбида унутилмас из қолдирди. Маълумки МДҲ терма жамоаси хоккейчилари кўтаринки руҳда мусобақалашиб финалга йўлланма олишган эди. Якунловчи учрашув Канада хоккейчилари билан ўтказилди. Бу ўйин МДҲ жамоаси фойдасига (3:1) ҳал бўлди. Шундай қилиб, олимпиадачиларимиз тўққизта олтин медаль билан иккинчи ўринни эгаллашди. Олмония спортчилари ҳисобида ўнта олтин медал бор. Навбатдаги олимпиадани ўтказиб беришга аҳд қилган норвегияликлар ҳам тўққизта олтин медалли бўлишди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

МАРҲАМАТ, ҚУЛОҚ СОЛИНГ, ЭШИТГАНЛАР ДАРМОНДА, ЭШИТМАГАНЛАР АРМОНДА!

«Ўзбекистон овози» рўзномаси шу кун, шу сондан бошлаб ота-боболаримиз даврларидан элга тўй-томошаларни, фармону янгиликларни эл-юртга етказиб келган Жарчилар руҳи олдида таъзим этиб, «Жарчинома» лавҳасини очади.

Хонимлар ва жаноблар, қадрли дўсту ўртоқлар, биродарлар:

Жарчилик — қадимий ноёб касблардан.

ЖАРЧИ:

— Тўй-ҳашамга, маросимларга чорлайди

— Молу-маҳсулотингизни таърифлайди

— Ишхонангиз, жамоангизни элга танитади, шуҳратингизни оширади.

— таъзиянгизни етказади

«Ўзбекистон овози» рўзномасидаги «Жарчи» хизматидан фойдаланинг.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАРНИ ТЎППА-ТЎҒРИ ШУ ЕРГА ОЛИБ КЕЛАВЕРИНГ.

Овозингизни бирданига 400 минг киши эшитади.

Ўзбекистон Республикасининг барча шаҳар ва қишлоқларида, Тожикистон, Қозоғистон, Туркманистон ва Қирғизистонда, Америка Қўшма Штатлари, Туркия ва Олмонияда, Англия, Хитой ва Афғонистонда муштарийларимиз бор.

«ЖАРЧИНОМА» ХИЗМАТИНГИЗГА ҲАМИША ТАЙЁР.

Манзилимиз: Тошкент-83, Ленинград кўчаси, 32-уй. 3-қават. 314-хона. Тел: 32-55-70.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: рус тили, суд тиббиёти (фан доктори ёки номзод);

профессорлар: госпиталь жарроҳлиги (1,25), санитария-гигиена факультетида жарроҳлик касалликлари (фан доктори ёки номзоди);

доцентлар: нормал физиология, болалар юқумли касалликлари билан болалар касалликлари, тери-таносил касалликлари, госпиталь терапияси (0,25), 2-акушерлик ва гинекология, факультет терапияси (2), санитария гигиена факультетида жарроҳлик касалликлари, меҳнат гигиенаси, соғлиқни сақлашни ташкил этиш билан ижтимоий гигиена (0,25), госпиталь терапияси;

катта ўқитувчилар: нормал физиология, нормал анатомия, чет эллик талабалар учун рус тили, жисмоний тарбия (3), микробиология, эпидемиология, коммунал гигиена (2), болалар ва ўсмирлар гигиенаси, соғлиқни сақлашни ташкил этиш билан ижтимоий гигиена, патологик анатомия;

ассистентлар: патологик физиология, нормал физиология, биологик кимё (2), нормал анатомия (4), анестезиология ва реаниматология (3), тропик тиббиёт ва эпидемиология курси билан юқумли касалликлар, асаб касалликлари (4), болалар юқумли касалликлари билан болалар касалликлари (4), сил касаллиги (3), гематология ва лаборатория ташхиси билан ҳарбий-дала терапияси, умумий жарроҳлик (2), факультет жарроҳлиги, госпиталь жарроҳлиги (4), поликлиника таълимига оид ички касалликлар, 2-акушерлик ва гинекология (2), гистология, микробиология (2), радиацион гигиена билан умумий гигиена, факультет терапияси, травматология-ортопедия ва нейрохирургия билан ҳарбий-дала терапияси, эпидемиология билан юқумли касалликлар, 3-акушерлик ва гинекология, санитария-гигиена факультетида жарроҳлик касалликлари, эпидемиология (4), госпиталь терапияси, урология, санитария—гигиена факультетида ички касалликлар (2), коммунал гигиена (5), болалар ва ўсмирлар гигиенаси (3), патологик анотомия, 1-акушерлик ва гинекология, клиника доришунослиги (3);

юз-жағ жарроҳлиги курси бўйича (1,5), болалар жарроҳлиги (2);

ўқитувчилар: рус тили (2), чет эллик талабалар учун рус тили (2), жисмоний тарбия (3).

Марказий илмий-тадқиқот лабораторияси бўйича

Бўлим раҳбарлари: қорин пардасининг яллиғланишини ўрганиш, клиника (фан доктори ёки номзоди);

катта илмий ходимлар: иммунология ва микробиология (2), моделлаштириш ва тажрибавий терапия (2), биокимё, тадқиқотлашнинг физикавий-кимёвий усуллари (3), клиника (4—фан номзоди);

кичик илмий ходимлар: иммунология ва микробиология (4), моделлаштириш ва тажрибавий терапия (4), биокимё (4), гигиена ва таксикология (2), қорин пардасининг яллиғланишини ўрганиш бўйича (4), тадқиқотлашнинг физикавий кимёвий усуллари (5), клиника бўлими.

Танлов муддати—эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй.

Телефон: 46-88-86.

МУҲОЖИРЛАР ЮЛДУЗИ—ВАТАН!

Ғурбатда ғариблар... Йўқ, улар оч-яланғоч, бир бурда нонга зор муслимлар эмас, улар қанча тўқ яшашмасин, шодмон бўлишмасин кўнгиллари тўлмайди, хуморлари тарқамайди. Бу, Ватан, киндик қони тўкилган замин соғинчи, ана шу замин хумори... Шу сабабли юртдошларимиз «Муҳожирлар юлдузи — Ватан!» дейдилар Ўзбекистон Республикаси Адиблари иттифоқи,. «Билим» жамияти, Давлат телерадиокомпанияси, «Очун» ва «Турон» ижодий уюшмалари, «Мулоқот» ва «Шарқ юлдузи» ойномалари «Ватанни севмак иймондандур» рукнидаги «Истиқлол ва туркистонлик муҳожирлар» мавзуида илмий-маърифий анжуман ўтказдилар.

Анжуманда М. Чўқаев В. Қаюмхон, Боймирза Ҳайит ва бошқа ватандошларимиз ҳорижга қандай тарзда ҳижрат қилганлари ва нима сабабдан бориб қолганликлари, лекин қаерда бўлишмасин, сарсон-саргардон кезишмасин ватан соғинчи, ватан мустақиллиги қайғуси билан яшаганликлари алоҳида таъкидланди, улар ёзган шеърлар янгради, асарларидан парчалар ўқилди.

(ЎзА мухбири).

• Қайта қуриш афсонаси: Гдлян—Иванов

Виктор ИЛЮХИН

РИЁКОРЛАР

Ю. Власовнинг жавоби: бу ҳужжат менга таниш. Унда имзоси бор шахслар қатори менинг ҳам қўлим бор. Кунлардан бир кун, айнан актда ёзилганича 1986 йилнинг 28 октябри деб айта олмайман, лекин 1986 йилнинг октябрь ойи эканлиги аниқ, менинг хизмат хонамга Давид Семенович Непомняший СССР Прокуратураси хўжалик бошқармасининг техниги В. Бондаренко билан кириб келди. Улар ўзлари имзолаган ҳужжатни олиб киришди. Гдлян имзоси борлиги ёдимда йўқ. Иккиси ёки бировими менга тушунтиришича, кечаси ҳеч ким йўғида иситиш қувуридан сув сизиб, видеокассеталарни шикастлабди. 13 дона видеокассета яроқсиз ҳолга келибди. Мендан шу ҳақдаги актни имзолашни сўрашди. Бу кишиларга ишонмасликка менда асос йўқ эди, мен ҳам имзо қўйдим. Кассеталарни кўрганим йўқ, улар ўзлари менга кўрсатишмади, мен сўраб ўтирмадим. Шу тариқа мен бу ҳужжатни имзоладим, кейин кассеталар қаёққа кетганини билмайман. А. Рўзметов иши бўйича участка муташаддиси ўша пайтда ким, эканлиги эсимда йўқ, кассеталар ўшанинг ҳисобида бўлиши керак. Ҳозир аниқ хотирамда йўқ, лекин ўша дамда 335-хонада тергов гуруҳи штаби бошлиғи бўлган Д. С. Непомняший ишлаб турарди. Мен бу хонага киришимга тўғри келган, айтилган ишга доир далилий ашёлар солинган қутилар батарея олдида турганлигини кўрганман. Аммо бу хонани сув босганини, ёки сув босганлиги аниқланиб тузатилганини, авария бўлгани, тузатиш учун слесарь чақирилганми-йўқми — билмайман. Юқорида номи зикр қилинган шахслар илтимосига кўра имзолаган ҳужжатдан бошқа ҳеч нарса менга маълум эмас».

В. Бондаренко ҳам ҳужжатни имзолаганини айтди, иситиш системаси ёрилганини кўргани йўқ, 13 та видеокассета қаёққа кетганини билмайди.

Энди Непомняшийни сўроқ қилиш қолган эди. Бироз оёқ тирагандан сўнг у ўша ҳужжатнинг ясамалигини тан олди. 1986 йил 28 октябрда Гдляндан Рўзметовнинг видеокассеталарини ҳисобдан чиқариш ҳақида кўрсатма олганлиги ҳақида айтиб берди. «Мен 334-хонада ўзим ишлаган ёзув машинкасида шу актни шахсан туздим. Ҳужжатда ёзилган ҳамма нарса, актнинг ўзи ҳам ғирт ясама. Тўла яроқсиз ҳолга келди дейилган видеокассеталар йўқ ва бўлган эмас, иситиш қувури ёрилган эмас, буларнинг ҳаммасини Гдлянниг топшириғини бажариш учун тўқиганман.

Мен тайёрлаган ҳужжатни биринчи бўлиб Гдлян, мен, сўнгра Власов билан Бондаренко томонидан имзоланган. Актни бир нусхада тайёрлаб бўлибоқ Гдлянга тақдим этганман, кейин кўрганим йўқ. Бу ҳужжат Гдлянга тобе келганимни яққол тушунтириб беролмаймаи.

Непомняший қўргазмаларига шуни қўшимча қилиш мумкинки, Гдлян 334-хонада сақланган ҳамма далилий ашёларга даҳл қилиш имкониятига эга эди. Видеокассеталарни ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги актни куннинг биринчи ярмида тузишган, пешиндан кейин Гдлян Тошкентдан Москвага самолётда учиб кетган. Кассета ҳам у билан бирга учган ва ғойиб бўлганлигини фараз қилиш мумкин.

Ғойиб бўлгани кассеталаргина эмас, 1986 йил 21 октябрда А. Рўзметов уйида тинтув ўтказишди. Тинтув узоқ давом этиб кеч тугади ва эртасига давом этди. Уй бекаси ва болаларни хоналардан бирига киритиб, тун бўйи бошқа хоналарда хўжайинлик қилишди.

Мусодара қилинган нарсалар рўйхатига кирмаган заргарлик буюмлари тинтувдан сўнг йўқолгани маълум бўлиб қолди. Уй бекасининг Гдлян гуруҳи ва прокуратурасига ёзган аризаси эътиборсиз қолдирилди. Гап чет элда ишланган зажигалкалар тўпламининг бир қисми, шунингдек, миллий безаклар берилган (ўшанда баҳоси 800 сўмлик) 583-намунали билак узук устида борган эди. Бу аризаларни шубҳа остига олиш ҳам мумкин —ёзганлар манфаатдор томонлар. Лекин бизни бошқа ҳолатлар сергаклантирди. Тинтув ўтказилган уй бешта хонадан иборат эди. Тинтув ўтказишга беш нафар терговчи ва уч гувоҳ келган. Терговчилардан бири баённома тузиш билан банд бўлиб, унинг ёнида гувоҳлар ўтиришган. Бошқа терговчилар хоналарни текширишган, бу иш бир пайтда бажарилган. Ҳар бири биттадан хонага киришган. Бироқ гувоҳлар фақат уч киши эди ва улар залда ўтиришган!

(Давоми бор).

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Давлат телерадио компанияси жамоаси II программа дирекциясининг муҳаррири Ҳ. Иброҳимовага отаси

Хорун

СУЛАЙМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат телерадио компаниясининг Республика ойнаи жаҳон жамоаси Сиёсий иқтисодий кўрсатувлар ижодий бирлашмаси катта муҳаррири Ҳ. Абдуллаевга отаси

Абдуллажон

ЗУҲУРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат иқтисодиёти университети маъмурияти ва жамоаси университет ўқув-услубият бўлими ходими

Гулнора Искандаровна

ЧАЛИЕВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат телерадио компаниясининг жумҳурият радиоси жамоаси бадиий мусиқий эшиттиришлар Бош муҳарририяти катта муҳаррири Б. Қодировга отаси

Рустам

ҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно-демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № 221.

№ 39

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 21.30. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.